УССР Давлат китоб палатаси
Инв.
Ўзбекистон Республикаси ДК

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOŞKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1995 йил 11 февраль, шанба • № 12 (10.688) • Эркин нархда сотилади.

ИСЛОҲОТ МЕЗОНИ – ОДАМЛАР ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШДИР



СУРАТДА: мажлис пайти.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ олган сурат (ЎзА).

Илгари хабар қилинганидек, 8 февраль куни Тошкентда Президент Ислом Каримов иштирокида республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Вазирликлар, идоралар, давлат қўмиталари, концерн ва уюшмалар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари таклиф этилган мазкур мажлисда 1994 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг амалага оширилиши ва уларни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди. Мажлисни республика Бош вазири А. Муталов бошқарди.

Мажлисда таъкидлаб ўтилдики, ўтган йили иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар чуқурлашди. Бозор муносабатлари сари йўл қатъийлашди. Унинг конституцион-ҳуқуқий ва ташкилий асослари мустаҳкамланди.

Мамлакатда кўп тармоқли иқтисодиёт шаклланмоқда, товарлар, меҳнат, сармоя ва кийматли қоғозлар бозори фаолият кўрсата бошлади. Республикадаги корхоналарнинг 67 фоизи, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва халқ хўжалигида ишловчи ходимларнинг деярли 50 фоизи давлатга қарашли бўлмаган тармоқ улушига тўғри келмоқда. Миллий валютанинг жорий этилиши, танлаб кредит бериш натижасида ёқилғи-энергетика саноати, приборсозлик, микробиология, енгил ва озиқ-овқат саноати анча барқарор ривожланди. Нархлар эркинлаштирилиши натижасида йил охирига келиб пул қадрсизланишининг ўртача ойлик даражаси 2 баравар камайди. Бюджет тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 3,2 фоизини ташкил этди. Тайёр маҳсулот салмоғи 28,8 фоиздан 33,2 фоизга ўсди. Дон етиштириш ва нефть ишлаб чиқариш кўпайди.

МДҲ мамлакатлари билан ўзаро савдода биринчи марта ижобий сальдога эришилди, яъни уларга сотилган маҳсулот ҳажми республикага олиб келинганидан ортиқ бўлди.

Шу билан бирга, айрим соҳаларда ислоҳот расмиятчилик билан амалга оширилмоқда. Хўжалик юритиш механизмини ўзгартиришга, рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга етарли эътибор берилмаяпти. Айниқса, қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш сусткашлик билан амалга оширилмоқда.

Мажлисда республика Президенти Ислом Каримов сўзга чиқди.

Бугун биз фаолиятимизга танқидий кўз билан қараб, қандай ютуқларга эришдик, қандай камчиликка йўл қўйдик, қандай имкониятлар мавжуд — буларнинг барчасини назардан ўтказиб, ўз ишларимизга рўй-рост, ҳаққоний баҳо бермоғимиз лозим, деди Президент. **Айниқса, ислоҳот ҳар биримизнинг зиммамизга нақадар улкан масъулият юклашини, уни охирига етказмасак, халқимиз олдида жавоб беришга тўғри келишини унутмаслигимиз керак.**

1994 йил якунлари ҳақида гапирар эканмиз, аввало, шуни айтиш жоизки, Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг кескин камайиб кетишига йўл қўйилмади, халқ хўжалигининг устивор йўналишларида эса ўсишга эришилди. Ҳақиқат таққосларда намоён бўлади, дейдилар. Шу нуқтаи назардан қарасак, 1994 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажми бизда 3,5 фоиз камайган бўлса, бу кўрсаткич Россияда 16 фоиз, Қозоғистонда 25,4 Белорусда 20 фоизини ташкил этди. Агар солиштириш учун 1991 йилни оладиган бўлсак, фарқ ундан ҳам катта. Масалан, бизда саноат ишлаб чиқариши 1991 йилга нисбатан атиги 2 фоиз камайган бўлса, Россияда 44 фоиз, Белорусда 32 фоиз, Украинада 38 фоиз, қўшнимиз Қозоғистонда эса 48 фоизга етди.

Бундай таққосларни чакана савдо товар обороти, капитал сарфлар ҳажми, аҳолининг пул даромадлари каби бошқа энг муҳим кўрсаткичлар бўйича ҳам келтириш мумкин.

Бу меҳнаткаш халқимиз йил мобайнида фидокорона меҳнат қилганини, иқтисодий тараққиётнинг тўғри йўлини танлаганимизни кўрсатади. Қолаверса, гап рақам ва кўрсаткичларда ҳам эмас. Балки, ислоҳотнинг одамлар тушунчасига таъсирида, уларнинг ҳаётини, дунёқарашини нечоғли ўзгартираётганидадир. Бошқача айтсак, барча фаолиятимиз, ўтказаётган ислоҳотимиз халқимиз ҳаётида нима ўзгарди, деган асосий мезон билан ўлчанади. Шу нуқтаи назардан қараганда, 1994 йил биз учун кескин бурилиш йили бўлди ва унинг натижалари билан фахрланса, самарали меҳнат учун халқимиздан миннатдор бўлсак арзийди.

Ўтган йилнинг муҳим воқеаларидан бири — республиканинг ўз миллий валютасига ўтиши бўлди, дея таъкидлади Ислом Каримов. Бу мустақил ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар йўлини ўтказиш, суверен валюта сиёсати олиб бориш учун янада тўлиқроқ имкон берди. Бу, айниқса, пулнинг қадрсизланишини пасайтиришда намоён бўлди. Бизда шу йил январь ойида эмиссия 1,2 фоизга тушди. Бу катта ютуғимиздир.

Биз хусусийлаштиришни иқтисодий ислоҳотнинг асосий шарти, деб биламиз. Шу маънода давлат мулкини хусусийлаштириш жараёни суръати ошмоқда. Республикада маҳаллий саноат корхоналарини, савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш объектларини хусусийлаштириш амалда тугалланди. Ўтган йили республикада 10 мингга яқин объект мулкчилик шаклини ўзгартирди. Энди халқ хўжалигининг базавий тармоқларини, оғир саноат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш бошланмоқда.

Бугунги кунда давлат тасарруфидан чиққан ва хусусийлаштирилган корхоналарда 4 миллиондан ортиқ киши ишламоқда. Яъни, бутун халқ хўжалигида ишлаётганларнинг ярмиси эркин бозор муҳитида, боқимандалик асоратларидан қутилиб, тирикчилигини ўтказмоқда. Бу ҳам эътиборга молик воқеадир.

Лекин қишлоқда ислоҳот суст кечмоқда. Бизнинг қишлоқ аҳлидан қарзимиз кўп. Биз уларнинг газини, сувини, йўлини жой-жойига қўйиб, юзларига тик қарайдиган бўлишимиз керак. Буни мен Президент сифатидаги бурчим деб биламан. Айниқса, қишлоқда ишловчиларнинг 60 фоизини саноатга, хизмат соҳаларига ўтказишни ташкил этиш зарур.

Республикада хорижий инвестиция соҳаси кенгаймоқда. Хорижий инвестицияларни жалб этиш, республика тадбиркорларининг ишбилармонлик фаолиятини ошириш учун қулай шароитлар яратилди ва уларнинг кафолатлари мустаҳкамланди. Хорижий инвесторлар иштирокида бир ярим минг корхона ташкил этилди.

Ўзбекистон иқтисодини қарамлик, боқимандалик асоратидан халос қилиш ва устивор соҳаларда бутунлай мустақилликка эришиш, бу — иқтисодий мустақиллик демакдир. Иқтисодий мустақиллик — аввало, ҳар бир давлатнинг ўз аҳолисини озиқ-овқат, халқ хўжалигини ёқилғи-энергетика маҳсулотлари билан таъминлаши ва чет элга маҳсулот экспорт қилиш имкониятлари билан белгиланади. Хўш, бу соҳада нима ишлар қилинди?

Масалан, илгари Россиядан 4,5 миллион тонна нефть келтирилган бўлса, бу йилги режамиз бор-йўғи 750 минг тонна нефть сотиб олиш. Насиб этса, 1996 йилдан бошлаб халқ хўжалик эҳтиёжларини тўла ўз нефть маҳсулотларимиз билан таъминлаймиз. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган газ миқдорининг ошиши ҳисобига 320 миллион долларни тежаб қолиш имконига эга бўлдик! Бундай мисоллари металлургия, химия, машинасозлик ва бошқа йирик тармоқларда ҳам кўриш мумкин.

Озиқ-овқат, айниқса, дон маҳсулотлари билан ўзимизни таъминлаш борасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилди. Масалан, илгари 5—6 миллион тонна ғалла четдан келтирилган бўлса, ҳозир бу миқдор 3,5 миллион тоннани ташкил этди. Гўшт ва гўшт маҳсулотлари келтириш 7 баравар камайди, сут ва сут маҳсулотлари эса 28 фоиздан 5 фоизга тушди. Бундан ташқари, кундалик эҳтиёж учун зарур бўлган бир қанча маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, олинган кредитларнинг барчаси аниқ жойига эга бўлиб, келажакда ўзини оқлайди ва фойда келтиради. Бу пухта ҳисоб-китоб қилинган. Улар бировдан тилаб олинган қарз эмас. Ўзини ҳурмат қилган халқ, давлат бундай қилмайди, бировга қўл чўзиб бормайди. Биз ана шу ақидага амал қилиб келдик ва бундан кейин ҳам шундай қиламиз. Кўплаб йирик иншоотларга ўзимиз ишлаб топган валюта ҳисобидан 550 миллион доллар миқдорида кредит бердик. Асака автомобиль заводига 120 миллион сарф қилдик. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи эса 400 миллион доллар туради, Дўстлик шаҳридаги «Мерседес-Бенц» автомобиллари заводига эса йилнинг ҳар чорагида 24 миллион доллар ажратилмоқда. Буни ким изоҳлайди? Бундай манзарани собиқ Иттифоқ республикаларининг қайси бирида учратиш мумкин? Бундан ташқари, 600 миллион доллар хорижий банкларда турибди.

Хўш, биз ҳам фақат шу кунни ўйласак, ана шу пулга озиқ-овқат олиб келиб одамларнинг қорнини тўйғазишимиз мумкин эмасми? Мумкин. Лекин эртага нима бўлади? Биз шуни ўйлашимиз керак. Бу сарфланган маблағ эртага бўлмаса, индинга самара беришини унутмаслигимиз лозим. Халқимиз буни яхши тушунади. Шунинг учун ҳам бу сиёсатни — иқтисодий мустақилликка эришиш йўлини қўллаб-қувватламоқда.

Республикада ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида 1994 йилда нархларнинг эркинлаштирилиши билан бир вақтда иш ҳақи, пенсиялар ва стипендиялар миқдори бир неча марта оширилди.

Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш мақсадида ўз-ўзини бошқариш органларининг махсус ҳисобларига давлат бюджетидан 310 миллион сўмдан зиёд маблағ ўтказилди. Болали оилаларга давлат ёрдами кўрсатишнинг ягона тизими жорий этилди.

Ҳа, бугунги кунда Ўзбекистонда иқтисодий вазият МДҲдаги кўплаб мамлакатларга қараганда анча яхши десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди, дея таъкидлади Президент. Лекин бу республика халқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи бизни қониктиради, деган маънони билдирмайди. Шу маънода 1995 йилдаги ва истиқболдаги вазифалар асосан нималардан иборат?

Бу йил ҳам хусусийлаштириш асосий масала бўлиб қолади. Чунки бу жараён умуман олганда, ҳали тугаллангани йўқ. Ўртача ва йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳар бир ҳолатни алоҳида кўриб чиққан ҳолда ўтказилиши керак. Муҳими, тармоқнинг ишлаб чиқаришдаги улуши кескин ошишига эришмоқ даркор. Ўтган йилги кўрсаткич — 8 миллион сўмлик маҳсулот ҳеч кимни қониктирмайди.

Иккинчи муҳим вазифа — миллий валютамиз қудратини янада ошириш, инфляцияни жиловлаш, нарх-навони барқарорлаштиришдан иборатдир. Шу йўл билан аҳоли даромадларини нарх-наво билан мувофиқ келишига эришмоғимиз лозим. Умуман олганда, бошқа барча ишлар ҳам ушбу муаммони ҳал этишга боғлиқдир.

Айниқса банклараро биржада айланадиган чет эл валютаси миқдорини кескин ошириш, Ўзбекистоннинг халқаро микёсдаги ҳамкорлигини янада кенгайтириш лозим.

Муҳими, қабул қилинган Фармон ва қарорларнинг тўла ишлашига эришмоқ даркор. Зеро, уларни қабул қилиш биринчи масала бўлса, ҳаётга татбиқ этиш иккинчи, асосий масаладир.

Одамлар руҳиятини ўзгартириш борасидаги ҳаракатларимиз ҳам сезиларли натижа бермоқда. Одамлар аста-секин боқимандалик кайфиятидан халос бўлмоқда. Бу ҳол, айниқса, ёшлар орасида кузатилаётгани кишини қувонтиради.

Бир пайтлар қарамлик туфайли дон, гўшт, сут сингари асосий тирикчилик воситаларига ҳам муҳтож бир аҳволга тушиб қолган эдик. Биз мана шундай вазиятда мустақил давлат қуришга киришдик. Бировга қарамлик, боқимандалик кайфиятининг аста-секин дунёқарашимиздан йўқолиб бораётгани катта ютуқларимиздан биридир. Ён-атрофимиздаги кўпгина давлатлар фақат ўзини сақлаб қолиш ҳақида қайғураётган бўлса, биз келажак ривожи ҳақида, иқтисодий-маънавий тараққиёт ҳақида ўйламоқдамиз.

Бу ҳақиқатни очиқ эътироф этмасак, менимча, гуноҳ бўлади.

Ўзлигини англаган ва ўзгаларни ҳам тан оладиган, ўз маданияти, санъати ва кўп асрлик ноёб меросини янада бойитиш ҳақида доимо қайғурадиган халқ билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Биз истиқлол шарофати туфайли эришган энг катта ютуғимиз одамларда пайдо бўлаётган ва тобора мустаҳкамланиб бораётган келажакка ишонч ва масъулият туйғусидир.

Мен жойлардаги учрашувларда, кундалик мулоқотларда ҳаётдаги янги ва яхши ишлар туфайли одамлар юзида ишонч, мамнуният ифодаси акс этиб турганини кўрсам, бир олам куч-ғайрат топаман. Эгнига тўн, бошига дўппи кийган, қўли қадоқ меҳнаткаш кишилар билан, фаришталы отахонлар билан учрашганимда, уларнинг юз-кўзида, чеҳрасида ўтган кунидан розилик, ҳаётдан хурсандлик аломатларини кўрсам, бошим кўкка етгудай бўлади. Улар бизнинг ишларимизни қўллаб-қувватлаб турганини, уларнинг юрагида эртанги кунга ишонч барқарор эканини ҳис этмоқдан ортиқ бахт борми!

Шу маънода, 1995 йил — мамлакатимизда иқтисодни барқарорлаштириш йили бўлиши керак. Синовларга барҳам бериш вақти етди.

Барчамиз ана шу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмасдан, шу жафокаш ва мард халқнинг содиқ фарзандлари бўлиб, унга садоқат ва ҳалоллик билан хизмат қилсак, биз албатта ўз мақсадимизга етамиз, деб таъкидлади Ислом Каримов пировардида.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосарлари — «Ўзистиқболстат» Давлат қўмитаси раиси М. Шарифхўжаев, молия вазири Б. Ҳамидов ҳамда республика Марказий банки бошқаруви раиси Ф. Муллажоновнинг муҳокама этилган масала юзасидан маърузалари тингланди. Музокараларда сўзга чиққан давлат солиқ қўмитасининг раиси Ш. Гатаулин, Бош вазир ўринбосари — давлат мулкини бошқариш ҳамда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг раиси В. Чжен, Фарғона вилоят ҳокими М. Исломов, кимё саноати концерни раиси Н. Юсупбеков, Бекобод металлургия заводи директори А. Анохин иқтисодий ислоҳотларнинг жойларда ҳаётга тадбиқ этилиши, саноатни қишлоққа яқинлаштириш, молия интизомини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш борасида фикр-мулоҳаза билдирдилар.

Мажлисда республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

Аҳмад ҲУЖА.
(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, НАФАҚАЛАР ВА СТИПЕНДИЯЛАРНИНГ МИҚДОРЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

1. 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида:

иш ҳақининг энг кам миқдори — ойига 150 сўм;

меҳнат пенсиясининг энг кам миқдори — ойига 430 сўм;

фуқароларнинг солиқ олинмайдиган даромади — ойига 200 сўм;

ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулли) разряд — ойига 300 сўм этиб белгиласин.

1 йил 1 мартдан бошлаб иш ҳақининг ҳозир амалда бўлган миқдорлари биринчи разряддан бошлаб ва пенсияларнинг барча турлари миқдорлари, энг кам пенсиядан ташқари, ойига ўртача 350 сўмга оширилсин, уларга аҳолига тўланадиган 150 сўм миқдоридаги компенсация тўловлари киритилсин.

3. Стипендиялардан даромад солиғи олинмаслигини назарда тутиб, 1995 йил 1 мартдан бошлаб олий ўқув юртлари талабалари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари асосий миқдорлари 300 сўмга (150 сўм компенсация ҳисобга олинган ҳолда) оширилсин.

4. 1995 йил 1 мартдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси аҳолисига бериладиган ҳар ойлик компенсация тўловлари бекор қилинсин.

5. 1995 йил 1 мартдан бошлаб:

бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парвариш қилиш бўйича оналарга бериладиган нафақа ойига 250 сўм миқдорида;

болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа ойига 400 сўм миқдорида;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 300 сўм миқдорида белгиласин.

6. Энг кам иш ҳақига фоиз нисбатида ҳисоблаб чиқиладиган иш ҳақига устама ва қўшимчаларнинг барча турлари, шунингдек, болали оилаларга бериладиган нафақа ва бошқа тўловлар 1995 йил 1 мартдан бошлаб мазкур Фармон билан белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиқиб амалга оширилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, вазирликлар, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бюджетдан маблағ билан таъминланадиган ташкилотлар ва муассасалар мазкур Фармондан келиб чиққан ҳолда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва ходимларнинг лавозим маошлари миқдорлари ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқилишини таъминласинлар.

8. Бюджетдан маблағ билан таъминланадиган муассасалар ва ташкилотлар ходимларининг иш ҳақини, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни ошириш билан боғлиқ сарф-харажатлар республика давлат бюджети ва ижтимоий суғурта жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

9. Хўжалик ҳисобидаги корхоналар ва ташкилотлар иш ҳақи миқдорлари оширилишини энг кам иш ҳақининг мазкур Фармон билан белгиланган оширилишини таъминлаган ҳолда ўз даромад манбалари ҳисобидан амалга оширсинлар.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 августдаги ПФ-940-сон ва 1994 йил 31 октябрдаги ПФ-976-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 16 июндаги ПФ-871-сон Фармонининг 1-банди тўртинчи хатбоши (нафақалар миқдорига оид қисми) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Вазирлар Маҳкамаси ўн кун муддатда мазкур Фармонни амалга ошириш бўйича қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 7 февраль.

ИСЛОМ КАРИМОВ АЛМАТИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

9 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов МДҲга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувида иштирок этиш учун Қозоғистон пойтахти Алматига жўнаб кетди.

Мамлакатимиз раҳбарини Тошкент аэропортида Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов ва бошқа расмий кишилар кузатиб қолдилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЧИХОНАСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати бошқармасидан хабар беришларича, 9 февраль куни Қозоғистон пойтахти Алмати шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси расмий равишда очилди.

МДҲга аъзо мамлакатлар бошлиқларининг Алмати учрашуви арафасида рўй берган бу воқеа икки қардош халқ дўстлиги ва ҳамкорлигининг ёрқин намойишига айланди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А.Комилов ва Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А. Есимов нутқ сўзладилар.

(ЎзА).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

«МАҲАЛЛИЙ САНОАТ» ВА «ТОШУЙЖОЙИНВЕСТҚУРИЛИШ» ДАВЛАТ КОРПОРАЦИЯЛАРИНИНГ АЛОҲИДА ЎРНАК КЎРСАТГАН ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига қўшган ҳиссалари, янги техника ва илғор технологиядан самарали фойдаланишдаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этаётгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

ЧЖЕН Виктор Анатольевич — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси

«ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

АЪЗАМОВ Абдуҳамид Абдуғаффорович — «Турон» ҳиссадорлик жамиятининг бош муҳандиси

ЕРЗИН Ринат Азизович — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директор ўринбосари

ЖЎРАЕВ Қудратилла Ҳамидуллаевич — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг устаси

ПРОКОПЕНКО Александр Николаевич — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўймакор-қолипчиси

ТОШПЎЛАТОВ Абдували Набиевич — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг устаси

ФИЛАНЧУК Василий Карпович — «Кумуш» қўшма корхонасининг директори

ВА ҚУЙИДАГИЛАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАНСИН:

АШУРОВ Муҳсинжон Хуррамович — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори

АФАНАСЬЕВА Нина Павловна — «Турон» ҳиссадорлик жамиятининг бўёқчилар бригадаси бошлиғи

ЗОКИРОВА Гулшат Фатиховна — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг устаси

КУДАШКИНА Тамара Валентиновна — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлим бошлиғи

РАҲИМОВ Олимжон Қўчқорович — «Турон» ҳиссадорлик жамиятининг бригада бошлиғи

САГИДУЛЛАЕВА Инобат — «Фонон» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси лабораториясининг мудири

САИДБОЕВ Рустам Фотихович — «Турон» ҳиссадорлик жамиятининг бригада бошлиғи

ШАРИПОВ Юрий Ҳакимович — «Турон» ҳиссадорлик жамиятининг бош муҳандиси

ҚОЗОҚҲОНОВ Авазхон Самуйиддинович — «Маҳаллий саноат» корпорациясининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1995 йил 9 февраль

ТАДБИРКОРЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

КЎПЛАШИБ, КЎМАКЛАШИБ

• Боқимандаликни давр кўтармайди • Олдинги иқтисодий алоқалар тикланди • Ҳомийлар билан мустаҳкам ҳамкорлик самараси салмоқли бўлмоқда • Жамоа истиқболга ишонч билан қарамоқда • Маҳсулотлар яқин хорижга ҳам жўнатиляпти

БЕНЗИН ва мой фильтрларининг аҳамиятини тушунтириб ўтиришнинг хожати ҳам бўлмаса керак. Халқ хўжалигининг турли соҳаларида фойдаланилаётган енгил ва юк автомашиналари учун унинг жуда зарурлиги маълум. Собиқ Иттифоқ даврида бундай деталга Ўзбекистонда, шу билан бирга, бутун Ўрта Осиё республикаларида талаб катта эди, у йилдан-йилга ортиб борарди. Марказдан келтириладиган фильтр доим ҳам етарли бўлмас, бунинг устига сифати ҳам талабга жавоб бермасди. Фильтрларнинг етишмаслиги оқибатида айрим транспорт воситаларининг тўхтаб қолиш ҳоллари ҳам кўп учраган.

Шунинг учун ҳам кейинги вақтда Чинозда фильтрлар ишлаб чиқарувчи заводни барпо этишга қарор қилингани айни муддао эди. «Вторнефтепродукт» уюшмаси шундай корхона қуришнинг асосчиси бўлди. У маҳаллий эҳтиёжни тўлароқ қондириш учун бу завод қурилишини бошлаб юборди. Лойиҳа-ҳаражатлар ҳужжатлари зудлик билан тайёрланди, йўл-йўлакай янги ишлаб чиқариш юзага кела бошлади. Корхонага «Реготмас» деб ном қўйдилар.

Завод қиска муддатда бунёд этилди. Бу ерда саккиз хил ёнилғи ва мойларни тозалаб берадиган фильтларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу фильтрлар Булғориянинг «Авиа», «ГАЗ-52», «ГАЗ-53», «КамАЗ» юк ҳамда «Волга», «Москвич» енгил автомашиналарига мўлжалланган эди. Шунинг учун ҳам буюртмачилар сон-саноқсиз бўлди. Жамоа тобора ортиб бораётган буюртмаларни бажариш йўлида ҳормай-толмай ишлай бошлади. Асосий хом ашё ва материаллар эса Россиядан керагича олинарди.

Лекин, бу узоққа бормади. Кейинги пайтда иқтисодий алоқалар сусайиб кетди. Оқибатда хом ашё ва материалларнинг танқислиги сезила бошлади. Фильтр тайёрлаш учун ишлатиладиган махсус қоғознинг келиши деярли тўхтаб қолди. Уни бошқа жойдан қидириш натижа бермади. Корхонада асосий маҳсулотни ишлаб чиқаришда таркиб топган бундай аянчли аҳвол маъмуриятни ташвишга солмади. Боқимандалик кайфиятидан халос бўлмаган завод раҳбарлари ишни ўз ҳолига ташлаб қўйдилар, астойдил имконият излашни ўзларига эп кўрмадилар.

Бундай ўзибўларчилик, лоқайдлик, албатта, яхшиликка олиб келмади. Ишлаб чиқариш кескин қисқарди, кўпгина малакали ишчи-хизматчилар бўшаб кетишга мажбур бўлдилар. Одамларнинг ишга кўли бормай қолди. Бундай аҳволга чек қўйиш керак эди, аҳволни яхшилаш учун шошилинг чора-тадбирлар кўриш вақти келганди. Акс ҳолда муҳим маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона бутунлай ўтириб қолиши аниқ эди. Ваҳоланки, фильтрларга бўлган эҳтиёж ортса ортдики, лекин камаймади. Халқ хўжалигининг манфаатлари бундай аҳволни бартараф этишни тақозо қиларди.

Шу сабабли корхона раҳбарлигини ўзгартиришга мажбур бўлинди. Ёш мутахассис Рашид Исмоиловни директор қилиб тайинлашганида корхонада вужудга келган аянчли аҳвол очиқ айтилди, унинг зиммасига заводни қолоқликдан олиб чиқиш, бу ерда асосий маҳсулот — фильтрлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш учун барча имкониятлардан фойдаланиш вазифаси юкланди. Раҳбар ташкилотларнинг ишончи зое кетмади, тадбиркор муҳандис орадан кўп ўтмасданоқ корхона ишида ижобий ўзгаришлар бўлишига эриша бошлади.

Албатта, биринчи навбатда, у корхонадаги аҳволни ҳар томонлама синчиклаб ўрганар экан, айрим ҳолларда ниятидан қайтиш фикри ҳам миясида чарх уриб қоларди. Лекин, жамоа билан яқиндан танишиш унда бундай иккиланишларга чек қўйди. Ҳар бир ишчи, ҳар бир муҳандис-техник ходим корхонанинг ҳақиқий жонкуяри эканлигини дарҳол пайқади. Ким билан суҳбатлашмасин у жамоа иши ҳақида куюниб гапирарди, уни яхшилашга қаратилган фикр-мулоҳазаларни айтарди.

Ҳа, корхона ишлаб чиқаришидаги аҳволни яхшилаш учун жамоа янги раҳбарга елкадош, кўмакдош бўлиши аён эди. Янги директорнинг ҳам, жамоанинг ҳам фикри бир ердан чиқди. Бу Рашид Исмоиловга янги куч-ғайрат бағишлади.

Бошлиқ кўпчиликдан кўп ақл чиқишини биларди. Айрим масалаларда тортишишдан чўчимади, фикри тўғрилигини ётиғи билан тушунтиришдан эринмади.

Янги раҳбарнинг биринчи муҳим қадами шу бўлдики, у аввалги «Вторнефтепродукт» уюшмаси билан ҳамкорликни тиклашга киришди. Уни бутун жамоа қўллаб-қувватлади. Бусиз ишни йўлга қўйиш мумкин эмасди. Рашид Исмоилов бу уюшманинг бош директори Ю. Архипов ҳузурига ташриф буюриб, ўзини танитганда Юрий Петрович таажжубини яшира олмади.

— Эй, ука, биз Чиноздаги фильтр заводи тўхтаб қолган бўлса керак, деб ўйлагандик. Икки ўртада алоқалар узилиб, турли сабаблар оқибатида хом ашё ва материалларни юбориш тўхтаб раклги миқдорда махсус қоғозни юборди. Металл ҳам топилди. Ҳозирги кунда заводда бундай хом ашё ва материаллар етарли миқдорда жамлаб қўйилган. Фильтрлар ишлаб чиқариш ҳам бир маромда давом этмоқда.

Тиниб-тинчимас директор заводнинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш ҳақида ўйлай бошлади. Ҳозирги қийин иқтисодий шароитда бу анча мушкул иш, албатта. Уни жасорат деса ҳам бўлади. Янги цехни барпо этиш, унда янги иш ўринларини ташкил этишнинг ўзи бўлмайди. Аввало, бунинг учун маблағ керак. Корхона жамоасининг тўплаган маблағи эса жуда камлик қилади.

Бироқ доно халқимиз «қаловини топсанг, қор ҳам ёнади» деган гапни бежиз айтмаган. Директор яна бир ҳомий излашга тушди. У топилди ҳам. Тошкент нефть таъминоти давлат корхонасига шундай таклиф билан мурожаат қилинганида уни маъқуллашди. Корхона бош директори Фаттоҳ Яҳёевич Ибрагимов Рашид Исмоиловнинг режаларини эшитиб, у билан қизиқиб қолди. Дарҳол заводда янги цех ташкил этишда ҳамкорлик қилишга розилик билдирди, олтита автоматлашган термопласт асбоб-ускунасини сотиб олиб беришга ваъда қилди.

Тошкент нефть таъминоти давлат корхонаси маъмурияти кўп ўтмай ваъдасининг устидан чиқди. Термопласт машиналарини «Реготмас» корхонаси жамоасига юборди. Уларни ўрнатиш ишлари куни кеча ниҳоясига етказилди. Дастлабки маҳсулот ҳам олинди.

— Янги цехимизда турли-туман пластмасса буюмлари ишлаб чиқарилади, — дейди Р. Исмоилов. — Хом ашёни ҳам Тошкент нефть таъминоти давлат корхонаси етказиб бермоқда. Худди шу корхона маъмурияти бизга зарур металларни олиш учун етарли маблағ ҳам ажратди. Шундай ҳомийларимиз ва ҳамкорларимиз бор экан, ишимиз бароридан келаверади. Янги цех завод атрофидаги қишлоқларда истиқомат қилувчи 60 нафар атрофидаги йигит-қизларни иш билан таъминлади.

Ишлатилган мойларни қайта ишлаш асосида яна фойдаланиш учун яроқли қилишга ёрдам берувчи фильтрлар асосий маҳсулоти бўлган «Реготмас» заводи жамоаси ишлаб чиқаришни бундан буён ҳам кенгайтиришни мўлжалламоқда. Бу йил ҳавони тозаловчи фильтрлар тайёрлаш ўзлаштирилади. Бунинг учун янги цех барпо этилади. У ишга тушгач фильтрларни бутловчи қисмлардан клапанлар ва резина деталлари ҳам шу ерда ишлаб чиқариладиган бўлади ҳамда уларни Тошкентдан олиб келиш ташвишидан, ҳаражатларидан ҳоли бўлинади.

Корхона жамоаси истиқболга ишонч билан қарамоқда. Унинг режалари катта, уларнинг ҳаммаси мустаҳкам пойдеворга эга. Ўшанда халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариш ҳам кўпаяди. Бу билан истеъмол бозорини тўлдиришга улуш қўшилади. Ҳамжиҳат, аҳил ва иноқ жамоанинг бу олийжаноб мақсад йўлидаги саъй ҳаракатлари салмоқли натижалар беришига тилакдошмиз.

О. МАЪМУРОВ.

Суратларда: корхона жамоаси аъзолари ишлаб чиқарилаётган пластмасса ликопчалар ҳамда фильтрлар сифатини кўздан кечирмоқдалар.

А. РАҲИМОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг илмий муассасаларида

ҲУҚУҚШУНОС ОЛИМЛАР ИЗЛАНИШДА

ЎЗБЕКИСТОН Фанлар академияси қошидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг олимлари ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, мустақил мамлакатимизнинг инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган янги қонунларини яратиш борасида муттасил изланиб келмоқдалар. Ҳуқуқшунос тадқиқотчилар бугунги кунда жаҳоншумул аҳамиятга молик бўлган Конституциямиз билан ҳамоҳанг сайловлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш борасидаги ва бошқа қатор қонунлар асосида «Мустақил Ўзбекистон давлатининг ҳуқуқий асосларини яратиш» мавзуида ўнга яқин фан докторлари, 20 га яқин фан номзоди ва 30 нафар илмий ходим иш олиб бормоқда.

Жумладан, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор М. Файзиев бошчилигидаги бўлим илмий ходимлари «Ўзбекистонда ҳуқуқий давлатнинг шаклланиши», ҳуқуқшунослик фанлари доктори, профессор У. Чориёров раҳбарлигидаги бўлим тадқиқотчилари «Ваколатли давлат органлари», юридик фанлар номзоди Ф. Бакаева бошқараётган бўлим изланувчилари эса халқаро ҳуқуқ муаммолари устида тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Ўтган йил мобайнида институт ходимлари ижодий меҳнати 12 та монография, 30 дан ортиқ рисола ва 200 га яқин илмий мақолаларда ўз ифодасини топди.

Институтнинг фалсафа билан шуғулланувчи олимлари белгилаб олган йўналишлар ҳам истиқлолга юз тутган республикамиз мафкурасини яратишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Биз ижтимоий турмуш тарзимизнинг турли масалаларини қамраб олган мавзулар устида ишлаяпмиз,— дейди фалсафа фанлари доктори, профессор Маҳбуба Абдуллаева. — Ўтган йил ана шу тадқиқотларимиз самараси сифатида «Мустақил Ўзбекистон Фалсафа ва ҳуқуқ фанларининг долзарб муаммолари» китоби нашрдан чиққан эди. Бу йил эса фалсафа фани луғатини чоп эттириш режалаштирилган.

Илмий муассаса жамоаси ўтмишимиз билан боғлиқ ҳуқуқий, маънавий манбаларни ўрганиш борасида ҳам самарали иш олиб боряпти.

Ш. ОБИДОВА.

ЯНАДА ФАОЛРОҚ ИШЛАЙЛИК

Республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вилоят бўлимининг III пленумидан

Шу йил 7 февраль куни вилоят ҳокимлигида республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси Тошкент вилояти бўлимининг III пленуми бўлиб ўтди.

Пленумни вилоят ҳокимининг муовини **Ҳ. Ҳамидов** очди ва олиб борди.

Йиғилишда республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси вилоят бўлимининг аъзолари, таъсисчилари, шаҳар ва туман бўлимлари раислари, маҳалла оқсоқоллари, шаҳар ва туман ҳокимларининг муовинлари ҳамда вилоятнинг тегишли бўлим ва бошқарма раҳбарлари иштирок этдилар.

Пленумда «Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ҳамда Республика Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида маҳаллалар фаолиятини ривожлантириш юзасидан 1994 йилда амалга оширилган ишлар ва 1995 йилги вазифалар тўғрисида» республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси **С. Воҳидов** маъруза қилди.

— Ўтган икки йил мобайнида Президентимиз ва ҳукуматимизнинг фармонлари ҳамда қарорларига мувофиқ маҳаллалар моддий базасини мустаҳкамлаш бўйича сезиларли ишлар қилинди, — деди нотиқ. — Қатор маҳаллалар қиёфаси ўзгарди, уларда гузарлар барпо этилди, савдо мажмуалари, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари қад кўтарди. Ҳозирги пайтда 98 маҳалла ўз гузарларига эга. Маҳаллаларда эса 70 га яқин кичик корхоналар ишлаб турибди. Вилоятимизнинг 4 та шаҳар, 13 та туманида «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлинмалари фаолият кўрсатмоқда. Улар вилоятдаги 1437 маҳалланинг ишларини мувофиқлаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳокимликларга яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Айниқса, Чирчиқ, Ангрен шаҳарлари, Юқоричирчиқ, Бўстонлиқ, Тошкент, Паркент, Пискент, Зангиота, Қибрай туманларида маҳаллалар фаолияти анча жонланди. «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, «Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва «Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ маҳаллалар бошқарувини такомиллаштириш, маҳаллаларда истиқомат қилаётган ночор оилалар, кишиларни моддий қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар изчил амалга оширилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамғармаси маблағидан меҳр-шафқат ёрдамлари кўрсатилаётир, хусусан, ўтган йили Наврўз, фашизм устидан қозонилган ғалаба, Болалар куни, Қариялар куни тадбирлари муносабати билан жамғарманинг бўлинмалари ҳисобидан оилаларга 103 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Республикамиз Мустақиллигининг 3 йиллиги арафасида шаҳар ва туман бўлинмалари маблағидан хайрия учун 16 минг 500 сўм ажратилди. Маҳаллалар ҳудудидаги корхоналар, жамоа хўжаликлари ҳам ёрдамга муҳтож кишиларга моддий кўмак кўрсатиб келмоқдалар.

Шаҳар ва туман ҳокимликлари ёрдами билан 1994 йил давомида 127 маҳалла газлаштирилди, 37 та маҳалла ичимлик суви билан таъминланди.

Айни пайтда барча маҳаллаларда фармон ва қарорларни амалга оширишга етарли эътибор бериляпти, деб бўлмайди. Президентимиз ва республика ҳукумати ғамхўрлик кўрсатишларига қарамай, афсуски, маҳаллаларда маҳалла қўмиталари томонидан керакли даражада фаоллик кўрсатилмаяпти. Хусусан, «Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам бериш тўғрисида»ги Фармон Янгийўл, Зангиота туманлари, Ангрен, Олмалиқ, Янгийўл шаҳарларида қониқарли бажарилмаётир. Кўпгина маҳаллалар қўмиталари ўз биноларига эга эмаслар. Зарур жиҳозлар билан таъминланмаганлар. Бўка, Ўртачирчиқ, Бўстонлиқ туманларида, Янгийўл, Олмалиқ, шаҳарларида ташкил қилинган «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлинмалари қоғозда таъсис этилди-ю, ҳалигача иш бошламаган. Вилоятда маош олиб ишлайдиган маҳалла қўмиталари раислари сони бор-йўғи 200 нафарни ташкил этади. Маҳаллаларда тўйларни ихчам ва сермазмун ўтказишга ҳамон етарлича эътибор берилмаётир. Бу борада оқсоқоллар фаолликларини ошириш лозим бўлади.

Пленумда маъруза юзасидан сўзга чиққан вилоят молия бошқармасининг бошлиғи **Б. Ҳосилов**, вилоят «Маҳалла» хайрия жамғармаси Қибрай тумани бўлими раиси **М. Йўлдошев,** Ангрен шаҳар ҳокими муовини **Т. Муталимов**, Ким Пен Хва номли халқ корпорацияси раиси **Т. Мадиёров,** Чирчиқ шаҳар «Гулзор» маҳалласининг оқсоқоли **С. Усмонов,** вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси **М. Солиҳова,** вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси бошлиғи **Н. Назиров** ва бошқалар ўз нутқларида маҳаллалар ишини ривожлантириш, кам таъминланган оилаларни пухтароқ ўрганиш зарурлиги, етим-есирларни қўллаб-қувватлашни янада яхшилаш, айниқса, ёлғиз қариялар, ётиб қолган ногиронлар ва беморларни моддий қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилиши кераклигини алоҳида таъкидладилар. Шу билан биргаликда маҳаллаларда жойлашган корхоналар, ташкилотлар ободонлаштириш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида ўзларига даҳлдор маҳаллага ёрдам кўрсатишлари зарурлиги қайд қилинди.

Пленумда кун тартибига қўйилган масала юзасидан қарор қабул қилинди.

Пленум ишида республика «Маҳалла» ҳайрия жамғармаси раиси **Ш. Темиров** қатнашди ва сўзга чиқди.

Қибрай туманида

«ЯЛАНҒОЧ»ДА ЯНГИ ДЎКОН

Тумандаги «Ялангоч» маҳалласида янги замонавий усулда қурилган дўкон ишга тушди. Уни очиқ турдаги «Салор» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари фойдаланишга топширдилар.

Дўконда озиқ-овқат маҳсулотлари, чанқовбосди ичимликлар, кийим-кечак ва бошқа турдаги маҳсулотлар билан савдо қилинмоқда. «Ялангоч» қишлоғи аҳолиси бундай ғамхўрликдан миннатдор.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Яқинда сув тармоқлари корхонаси ҳудудида туман бадиий хаваскорларининг кўрик танлови бўлиб ўтди. Унда Қибрай маданият уйи қошидаги «Шалола» ашула ва рақс дастаси аъзолари Раҳимжон Мадраҳимов, Аслиддин Дўстов ва Шуҳрат Жумановлар ғолиб бўлдилар.

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ

Туман биржаси қошида ташкил қилинган «Эрнафас» кичик корхонаси дастлабки маҳсулотини чиқара бошлади. Цех жамоаси томонидан тўқилаган бежирим ва пишиқ шарфлар, бош кийими, болалар кийим-кечаклари жамланмаси, пайпоқ ва бошқа молларни харидорлар яхши олмоқдалар. Элмира Билялова, Малика Собирова, Ҳилола Валиева ва Саломат Эгамназаровалар тўқиётган кийим-бошларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

С.МИРЗААЛИЕВ.

Оламда нима гап?

МУХОЛИФИЯТ ЎЖАРЛИК ҚИЛМОҚДА

Тожикистоннинг мухолифиятдаги кучлари тожиклар ўртасида музокараларнинг тўртинчи даврасини ўтказиш истагида эмаслар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби вакилининг хабар беришига кўра, мухолифиятдагилар делегацияси бошлиғи Акбар Тўражонзода Москвада музокараларнинг янги даврасини ўтказишдан бош тортди.

БЕЛОРУСГА ЮЗ МИЛЛИОН ДОЛЛАР ЁРДАМ

Халқаро валюта жамғармаси Белорусда ўтказилаётган ислоҳотлар дастурини қўллаб-қуватлаш учун 100,3 миллион доллар ажратилажагига рози бўлди. Халқаро валюта жамғармаси вакилларининг гапига қараганда Белорус мустақилликни қўлга киритган вақтдан бошлаб, «иқтисодий ислоҳотларга эҳтиёткорлик билан ёндошиб келмоқда, шу туфайли ўз фуқароларининг иқтисодий фаоллиги лозим даражада бўлишига ҳам, ҳаёти кўнгилдагидек бўлишига ҳам, баҳолар барқарор сақланиб туришига ҳам эришаолмаяпти». Шунга қарамай, дейилади Халқаро валюта жамғармасининг хабарида «1994 йили Белорус парламенти ислоҳотлар комплекс дастурининг кўпгина жиҳатларини маъқуллади», натижада мамлакатда иқтисодий ўнгланиш белгилари кузатилмоқда.

150 ЙИЛДАН БУЁН ДАВОМ ЭТАЁТГАН НИЗО

Жанубий Американинг икки давлати — Эквадор ва Перу ўртасидаги низо 150 йилдан ортиқ вақтдан буён давом этади. Бунга сабаб одам ўтиб бўлмайдиган жунгли чангалзорларига жойлашган 78 километрлик чегара ерларидир. Низо 18 марта ҳарбий тўқнашувга айланган. Айниқса 1941 йили кучли қонли жанг бўлган. Ўшанда Эквадор ҳудудининг қарийб ярмини бой бериб қўйганди. Иккинчи жаҳон уруши давом этаётган пайтда Рио-де-Жанейрода шошма-шошаки имзоланган шартнома муаммони ҳал қилмаган. Бунинг сабаби, биринчидан, Эквадор бу шартномани «босқинчилик шартномаси» деб эълон қилган. Иккинчидан, у одам ўтиб бўлмайдиган тоғ ҳудудларида чегарани аниқ белгилаб бермаган, ниҳоят, учинчидан, 1960 йили Кито шартномани бекор қилган эди.

Аввалига бу икки мамлакат ўртасида шунчаки, «даханаки жанглар» бўлиб юрди. Эндиликда Перунинг ҳам, Эквадорнинг ҳам иқтисодий аҳволи мушкуллашгач жанжалли ҳудудий масала қонли тўқнашув бўлишига олиб келди. Маълум бўлишича, ана шу жойда жуда катта олтин конлари, бошқа қимматбаҳо тошлар бор экан. Шунингдек, уран захиралари топилган. Эквадор президенти Сиксто Дуран — Бальен ички муаммолардан қутилиш учун ташқи душманни изламоқда. Эквадорликлар 1941 йилда бой бериб қўйилган урушни эсдан чиқармайдилар. Шу сабабли улар Исроилдан кўплаб қуроллар сотиб олган.

Келиб чиқиши япон бўлган Перу президенти Альберто Фухимори олдида ҳам мамлакат иқтисодиётини яхшилаш муаммоси турибди. Уни ўз аъёнлари, шунингдек, хотини ҳам бир неча вазирларни катта порахўрлик ҳамда гиёҳвандларнинг бошлиқлари билан алоқаларда айблашмоқда. Лекин Фухимори ўз армиясининг кучига ишонади. Бу армия жуда яхши қуролланган ҳамда жунглида уруш қилишда катта тажриба орттирган.

Январь ойининг охирида бошланган уруш кенгайиб бораётганлиги жаҳон жамоатчилигини ташвишлантирмоқда. Бразилия пойтахти Рио-де-Жанейрода олиб борилган музокаралар ҳам натижа бермади.

(Жаҳон матбуоти хабарларидан).

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАСЛАҲАТХОНАСИДА

САВОЛЛАРИНГИЗГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

ГАЗЕТАМИЗДА «Тошкент ҳақиқати» маслаҳатхонасида» рукни остида мақолалар берила бошлаганидан буён таҳририятга, вилоят солиқ бошқармасига тадбиркорлар, ишбилармонлар, якка тартибда меҳнат билан шуғулланаётган фуқаролар, тижоратчилардан кўплаб саволлар келмоқда. Навбатдаги саволларга Тошкент вилояти ижтимоий суғурта жамғармасининг вакили, иқтисодчи-ҳуқуқшунос Д. С. ҲАКИМОВА жавоб беради.

САВОЛ: — Фуқаро солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтган бўлиб, бирон-бир давлат корхонасида ишламасдан, фақат ҳунармандчилик ёхуд тижорат билан машғул бўлса, у ҳолда унинг меҳнат дафтарчаси қаерда юритилади? Унга қандай тарзда нафақа тайинланади?

Т. ҲАЙДАРОВ,
Оққўрғон тумани.

ЖАВОБ: — Республика Вазирлар Маҳкамаси 1994 йил февраль ойида қабул қилган қарорда якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар-нинг меҳнат қилиш, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар ва манфаатларини ҳимоя этиш йўл-йўриқлари тўлиқ белгилаб берилган.

Мазкур қарорда хусусий, қўшма, кичик корхоналар, масъулияти тўла ёки қисман чекланган ҳиссадорлик жамиятлари, деҳқон-фермер хўжаликлари, якка тартибдаги меҳнат фаолияти, шунингдек, фақат шахсий ёрдамчи хўжалигида меҳнат билан банд бўлган ва ўзини даромад билан таъминлайдиган шахсларга нисбатан меҳнат муносабатларини жорий этишнинг ҳуқуқий асослари, уларни тартибга солиш шартлари ёритилган.

Шунга асосан давлат тасарруфида бўлмаган барча корхоналар ходимларининг меҳнат дафтарчалари уларнинг иш жойларида, якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахслар учун улар фаолияти рўйхатга олинган шаҳар ва туман ҳокимликларида юритилади.

Якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик билан шуғулланувчи фуқаролар мунтазам равишда белгиланган солиқларни тўлаб, бу ҳақда солиқ идораларидан маълумотномалар олиб борсалар, уларнинг мазкур вақтдаги иш даври умумий иш стажига қўшилади.

Шунингдек, давлат тасарруфида бўлмаган корхоналарда фаолият кўрсатаётган фуқароларнинг нафақа таъминоти республикада амалда бўлган нафақа қонунчилиги билан кафолатланади. Нафақа тайинлаш учун ижтимоий суғурта жамғармасига бадалларнинг тўланган бўлиши мажбурийдир.

Давлат корхоналаридаги фуқаролар ойлик маошларидан қанча фоизини суғурта бадали сифатида тўласалар, якка тартибдаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахслар ҳам ўз даромадларидан шунча миқдорда тўлайдилар.

Хулоса шуки, тадбиркорларнинг меҳнат фаолияти ҳар томонлама қонун-қоидалар билан муҳофаза этилган, шунингдек, фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқлари ва манфаатлари амалдаги ҳужжатлар билан ҳимоя қилинади. Тадбиркорлар, фақат, амалдаги қонун-қоидалар доирасидан чиқмасалар бўлгани.

САВОЛ: — Якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ижтимоий суғурта жамғармаси томонидан қандай имтиёзларга эга бўладилар?

О. ҒАНИЕВ,
Оҳангарон тумани.

ЖАВОБ: — Якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар, фермерлар ва шахсий ёрдамчи хўжаликда банд бўлган шахслар туман ва шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларига суғурта бадалларини тўлаган бўлсалар, у ҳолда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик, ҳомиладорлик, фарзанд кўриш, касал болага қарашга оид таътил даврларида пул маблағлари билан таъминланадилар. Тиббиёт муассасалари томонидан белгиланган тартибда бериладиган вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик варақаси тўлов учун асос бўлиб хизмат қилади.

Фермерлар, якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланувчилар, шахсий ёрдамчи хўжаликда банд бўлган шахсларга вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар ижтимоий суғурта жамғармасининг туман ва шаҳарлардаги қуйи ташкилотлари томонидан почта бўлинмалари орқали ёхуд жамғарма банкидаги ҳисоб дафтарчаларига пул ўтказиш йўли билан тўланади. Бунинг учун фуқаролар вақтинчалик меҳнатга қобилиятсизлик бўйича нафақалар тайинлаш учун ҳужжатларни турар жойларидаги ижтимоий-суғурта идораларига шахсан ўзлари топширишлари керак.

САВОЛ: — Фуқаро давлат тасарруфида бўлган бирон-бир корхонада ёки ташкилотда ишлаб, қўшимча равишда якка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланса ҳам суғурта бадалларини тўлайдими?

А. АСҚАРОВ,
Юқоричирчиқ тумани.

ЖАВОБ: — Албатта. Чунки, фуқаро учун пенсия миқдорини ҳисоблаш даврида барча иш жойлари ҳисобга олинади. Шунингдек, қўшимча равишда топилган даромаддан тўланган суғурта бадаллари ҳам ҳисобланиб, пенсия миқдори ошиши мумкин. Фуқаро давлат корхонасида ишлаб турган даврда қандайдир сабабларга кўра бирон-бир муддат ишсиз бўлган бўлса, ўша даврда якка меҳнат фаолияти билан шуғулланган ва мажбурий суғурта бадалларини тўлаган бўлса, бу давр меҳнат дафтарчасидаги иш стажига қўшилади. Бу ҳолат ҳам пенсия нафақаси тайинлашда эътиборга олинади.

Ислоҳот одамлар тақдирида

БОЙ БЎЛАЙ ДЕСАНГ...

«ҚОРАСУВ» жамоа хўжалигида ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Хўжалик деҳқонлари ўтган йили салмоқли натижаларга эришдилар. Пахта билан биргаликда буғдой, шоли, помидор, карам ва бошқа озиқ-овқат экинларидан мўл ҳосил олинди. Шу боис асосий иш ҳақининг бир сўмига 5-6 сўмдан, илғор ижарачи оила ва жамоаларда эса 10 сўмгача қўшимча ҳақ тўланди.

Йиллик даромадлари 30-40 минг сўм, ҳатто, 50 минг сўмдан ҳам ошиб кетган деҳқонлар талайгина. Ижарачи Маҳмуд Ўринов оиласининг йиллик даромади 56 минг сўмга, механизатор Пардабой Эсонбоевнинг даромади эса 65 минг сўмга етди. Жамоа меҳнат аҳли ҳар йилгидек 1994 йилда ҳам иш ҳақига тонналаб шоли олишди.

— Хўжалигимизда 3-4 тонналаб шоли олганлар оз эмас,— дейди раисликка яна қайта сайланган Турғун ака Орипов.— Ҳар бир деҳқон хонадонида бундан ташқари анчагина ун, ўсимлик ёғи, шакар каби маҳсулотлар етарли. Чунки, меҳнаткашларни ижтимоий муҳофазалаш учун йил давомида 105 тонна ун, 17 тоннадан ортиқ ўсимлик ёғи, 2 тоннадан кўпроқ шакар, шунингдек, 240 килограмм макарон, 356 килограмм чой, 3000 килограмм томат тарқатилди.

Деҳқонларнинг мол-ҳоллиридан ҳам кўнгиллари тўқ. Ҳар бир хонадонга шоли похолидан тортиб сомону макка поясигача, ҳатто, емигача етказиб берилди. «Қорасув»— тумандаги давлатдан қарздор бўлмаган хўжаликларнинг бири. Ўтган йили маблағ заҳираси етарли бўлди. Хўжалик ихтиёридаги пахта толаси бартер қилиниб, катта миқдорда техника воситалари, шиналар сотиб олинди.

Бултур қорасувликлардан сифатли пахта толаси олган Литвалик тадбиркорлар хўжалик деҳқонларига миннатдорчилик мактуби йўллаб, яна харидор бўлиб келишди. Ярославль шина заводи ишбилармонлари ҳам кунда-шунда. Йиллик режасини ортиғи билан уддалаган «Қорасув» жамоа хўжалиги бугун 333 тонна пахта толасига эга.

Йиғилишда 1995 қишлоқ хўжалиги йили учун янги марралар белгилаб олинди. Бой бўлишни мақсад қилиб қўйган деҳқонлар ҳозирдан ишни пухта олиб бормоқдалар.

М. БОЗОРАЛИЕВ.
Ўртачирчиқ тумани.

БУГУНГИ ИЗЛАНИШ — ЭРТАНГИ САМАРА

Ислоҳотлар — мавҳум нарса эмас. У режаларда, бажарилаётган аниқ ишларда, қолаверса, ҳар бир инсон тақдирида мужассам. Шунинг учун ҳам ислоҳотларнинг боришига ана шу нуқтаи назардан туриб баҳо берилади.

ИСЛОҲОТЛАР ҳаётимизга сингиб кетди, у кундалиқ турмушимиз тарзига айланиб қолди. У одамлар учун, уларнинг манфаатлари, юртимиз фаровонлиги ва ободонлиги учун ишлаяпти. Ислоҳотлар одамларга нима беряпти, бу ўзгаришлар халқимизга маъқулми, йўқми, деган саволларга бугун жуда кўп ижобий жавоблар олиш, ислоҳотлар жойларда қандай қувончли самаралар бераётганининг шоҳиди бўлишимиз мумкин. Яқинда биз Пискент туманидаги «Туркистон» жамоа хўжалигида бўлганимизда бу фикрнинг яна бир бор тасдиғини кўрдик.

Хўш, «Туркистон» жамоа хўжалигида ўтган йил қандай якунланди? Тўрт фасл қилинган фидойи меҳнат деҳқон хонадонига нима берди?

Хўжаликда йиллик пахта тайёрлаш режаси ошириб бажарилди. Ватан хирмонига 2690 тонна «оқ олтин» тўкилди. Энди ўзингиз ўйланг, шунча пахтанинг 33 фоизи ва режадан ортиқ топширилган пахтанинг ҳаммаси қўлга кирса, янги нархларда у қанча пул бўлади? Ҳа, шубҳасиз бу жуда катта маблағ. Бошқа даромад манбаларида ҳам аҳвол ёмон эмас. Сабзавот, ғалла, шоли, пилла топшириш режалари ҳам ошириб адо этилди. Ўнта фермер хўжалиги ҳам йилни муваффақиятли якунлади. Энг муҳими ҳеч ким қоқилиб қолмади. Бу ҳам жамоанинг катта ютуғи.

Чорвачилик соҳасида хўжаликда ўзига хос тамойилга риоя қилинади. Жамоа ва хусусий кишиларга тегишли чорва моллари туёғи йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Бунинг учун етарли шарт-шароит мавжуд. Ҳар бир қишлоқ хонадонига ўз тирикчилигини ўтказиш учун 15 сотихдан ер берилган. Ҳар қайси қишлоққа алоҳида подачи биркитилган. Ночор кишиларга хўжалик томонидан имкони борича емхашакдан ёрдам бериб келинади. Бундан ташқари хўжаликнинг Қурама тоғлари бағрида ўз яйлови бор. Ўша ердан моли бор аъзоларга ер ажратиб берилган. Яйловдаги чорва молларига қараб туриш учун махсус чўпонлар тайинланган.

Демак, жамоа хўжалиги аъзолари ўз рўзғоридан хотиржам, туриш-турмушидан кўнгли тўқ. Уларнинг асосий дала ишларига вақти етарли, бўлар-бўлмас баҳоналарга сира ўрин йўқ. Шунинг учун ҳам хўжаликда ислоҳотлар ўтказиш дастурининг асосий ва муҳим банди саналган ҳамма соҳа режалари бекаму кўст бажариб келиняпти.

Лекин, барибир тадбиркорликка ҳеч нарса етмас экан. Зукко тадбиркор бўлмасанг, энг яхши тадбирларинг ҳам ўлда-жўлда қолиб кетаверар экан. Шундай эмасми?

— Жуда тўғри айтдингиз, — деди суҳбатдошим жамоа хўжалиги раиси Ж. Отақулов. — Тадбиркор, ишбилармон бўлмасанг, ҳеч қачон қозонинг оқармайди, биринг икки бўлмайди. Биз ҳам аввалига бу масалада жуда кўп бош қотирдик. Ниҳоят йўлини топдик. Истеъфодаги зобит В. М. Зиновьевни тижорат ишлари бўйича раис муовини этиб тайинладик. Қарабсизки, ишлар юришиб кетди. Ўзимиз учун Россияга катта дарвоза очиб олдик. Кўпдан кўп муаммоларимизнинг чигили астасекин ечила бошлади.

Ҳа, «Юрган-дарё, ўтирган-бўйра», дейди доно халқимиз. Ҳозир замон излаган, югурганники. Боқибеғамлик, боқимандалик даврлари ўтиб кетди, энди қайтиб келмайди.

...Хўш, раиснинг ниятлари, режалари қандай амалга ошди? Келинг, гапни энг сўнгги янгиликдан бошлай қолайлик. Яқинда хўжаликнинг 1-участкасида «зангори олов» машъаласи ёқилди. Бир йўла 50 хонадон газлашди. Қишлоққа табиий газ олиб келиш учун 2,5 километр масофага қувурлар ётқизилди. Қувурлар бартермол алмашиш йўли билан Россиядан олиб келинди. Бундан илгари ҳам ана шу йўл билан хўжаликнинг 2-участкасига табиий газ олиб келинган эди. Хўжаликдаги мавжуд ўнта қишлоқ тоза ичимлик суви билан таъминланган.

Тадбиркорлик ишлари самараси бу билан чекланмайди. Хўжалик сўнгги икки йил ичида 21 та янги техника, «Нива» ғалла комбайни, автобус, битта юк машинаси, бензин ташувчи улов, «КСК-100» беда ўриш агрегати, 3 та юк ташиш трактори ва ҳоказоларни сотиб олди. Улар учун янги машина парки, 164 бош қорамолга мўлжалланган ферма биноси қурилмоқда. Қишлоқларда аҳолининг ўз маблағлари ҳисобига катта қурилишлар олиб борилмоқда. Аҳоли турар-жойлари кундан-кун ободонлашиб, кўркамлашмоқда. Ўтган йил сентябри арафасида фойдаланишга топширилган янги мактаб биносида ҳозир қишлоқ меҳнаткашларининг 322 нафар ўғил-қизлари таълим оляпти. Янги мактабнинг иккинчи навбати қурилиши ҳам поёнига етяпти.

Йиллик режалар бажарилган, келгуси мўл ҳосилга пухта ҳозирлик кўриб қўйилган ерда дам олиш, ҳордиқ чиқаришнинг ҳам ўзига яраша гашти, ҳузури бор. Янги йил арафасида илғор бригада бошлиқлари ва механизаторлардан 5 нафари «Зангиота» санаторийсида дам олиб қайтишди. Қиш даврида бошқа фаолларни ҳам турли санаторий ва дам олиш уйларида хордиқ чиқаришяпти.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.

ТЎЙДА КЕЛГАН ЧАҚИРИҚ

1938 йил. Тароватли ёз фаслининг авжи пишиқчилик, тўкин-сочинли кунларидан бири. Келес қишлоғида яшовчи Олимжон ака ва Муҳаррам аяларнинг хонадонида тўй, карнай, сурнай ва ноғора садолари бутун қишлоқни тутиб кетди.

Эртасига келин-салом ҳам ўтди. Ёш келин-куёвга табаррук кексалар оқ фотиҳа беришди. Аммо... Висол оқшомларини орзиқиб кутган икки ёшнинг қалб севинчлари узоққа бормади. Орадан икки ҳафта ўтгач, Ҳошимжонга аскарликка олиниши ҳақида чақириқ қоғози келди.

Қатор қизил вагонлар аскарликка олинган йигитлар билан лиқ тўла. Паровоз узоқ қичқириб жойидан қўзғалди. Ҳуринисо қузатувчилар оломонини ёриб олдинга талпинди. Кўзларида шашқатор ёш билан севиклисига қўл силтаркан лаблари аста шивирлади: Ҳошимжон ака, мен сизни кутаман!

Ҳошимжон аскарлик бурчини Краснодар шаҳрида бошлади. Жуссаси келишган, мушаклари бўртиқ, бақувват, интизомли ва қатъиятли бу йигитдан яхши командир чиқишини сезган бошлиқлар уни Ростовдаги сержантлар тайёрлаш ҳарбий билим мактабига юбордилар.

Бу не кундирки, фашист газандалари чегараларимизни бузиб кирганда сержант Х. Олимжонов ширин уйқуда Ҳуринисо билан сўзлашарди. Тўсатдан берилган «тревога» уни қўл остидаги жангчилари билан зумда сафга турғазди.

— Уруш, уруш бошланди!?.

Ҳошимжон хизмат қилаётган қисм Москва мудофаасига ташланди. Сўнгра Курск, Брянск ўрмонларида мудофаада туришганда «енгилмас» Паулюс армияси Сталинградга ёпирилиб келаётганлиги ҳақидаги шум хабарни эшитди. Ҳошимжон ўшанда «шу турқи совуқ қарақчилар бошлиғига қарши жанг майдонига тушсам эди» дея муштумини тугиб қўйди. Жасур ўзбек ўғлонининг нияти рўёбга чиқди. 1942 йилнинг декабрида уларнинг қисми Сталинград мудофаасига отланди. Сержант Х. Олимжонов полковник Миташвили раҳбарлигидаги 895-ўқчи полкида фашистларга қарши жанг киларкан, бир куни унга зудлик билан командир ҳузурига боришини айтишди.

— Ўртоқ полковник, буйруғингизга биноан сержант Олимжонов ҳузурингизга келди.

— Баракалла, ўтир сержант. Бўлинмангда нечта жангчи бор?

— 12 та, ўртоқ полковник.

— «Тил» ушлаб келишнинг уддасидан чиқа оласизларми?

— Буйруғингизга мунтазиримиз!

... Ям-яшил қалин ўрмон. Олмахонлар, қушлар у шохдан бу шохга сакраб ўйнашади. Яқин атрофдаги портлашлар овози бу жонзотларнинг тинчини бузиб турибди. Ана шу сонияда сержант Олимжонов бошлиқ олти нафар жангчи «ов»да ўлжа излаб эмаклаб борарди.

Тасодифан ниқобланган чодир ёнидан чиқиб қолган жангчилар хушёр тортишди. Елкасига автомат осиб ичкаридан чиққан душман зобити тўғри улар томон бамайлихотир юриб кела бошлади. У дарахтлар панасида ечинаётганда шовкин чиқармай қўл-оёғи боғланди. Қисқача савол-жавобдан сўнг чодирда яна бир фриц зобити борлиги маълум бўлди.

Сержант Олимжонов уч жангчиси билан чодирга яшиндек бостириб кирди. Буркситиб папирос тутатиб ўтирган обер-лейтенант

Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан

ҳанг-манг бўлганча қўлини кўтарди. Ҳар икки «тил» ҳарбий қисмга топширилди. Улар душман алоқачилари экан, ёнларидан ҳарбий сир тутилган ҳужжатлар тортиб олинди. Харитада қизил нуқта билан белгиланган жойларни мўлжаллаб тўплардан ўқ узилди. Ниқобланган душман техникаси катта талофат кўрди. Ватан ҳалоскорлари «ура» садолари остида ҳужумга ўтиб, Паулюс армияси кучларига қақшатгич зарба урди.

Полковник Миташвили сержант Олимжонов ва унинг мард йигитлари кўксига «Жасурлиги учун» нишонини тақиб қўйди.

Беларусия тупроғида олиб борилган ҳаёт-мамот жанглари Ҳошимжон хотирасида абадий муҳрланиб қолган. Айниқса, Большой Камень қишлоғида навбатдаги жанговар топшириқни олаётганда душман мергани ўқидан қандай яралангани қануз ёдида. У саккиз ой ҳарбий госпиталда ётди. Шифокорлар кўп ҳаракат қилишса-да, бўлмади: «Ҳ. Олимжонов жанговар сафга яроқсиз» деган хулоса чиқаришга мажбур бўлдилар.

Қатор жанговар медаллар нишондори Ҳ. Олимжонов 1944 йилнинг 13 октябрида Келес қишлоғига қайтиб, азиз она ер тупроғини кўзига тўтиё қилиб сурди. Ўша йиллари «Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги ўтириб қолган, қишлоқ хўжалик техникаси ишдан чиққан давр эди. Фронтга кетган эркаклар ўрнида Ҳуринисо сингари ёш келинлар, қиз-жувонлар ва болаларгина қолган эди. Биринчи гуруҳ ногирони Ҳошимжон хўжалик ишлари бўйича мудирликни қабул қилиб олди. Звено бошлиғи бўлганида давлатга мева-сабзавот сотиш режасини бир ярим ҳисса адо этиб, Тошкент вилояти сабзавоткор бригадалари орасида шуҳрат топди ва ҳукуматнинг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. У қайси лавозимда меҳнат қилмасин ўзининг юксак инсоний фазилатлари билан барчага, айниқса, ёшларга ибрат бўлди.

— Бу лаънати уруш кўпгина тенгқурларимдан жудо этди, — деб эслайди Ҳошим ота Олимжонов кўз ёшларини рўмолча билан артиб. — Жамоа хўжалигимизнинг тоғни урса талқон қиладиган йигитлари Маҳкам Маҳамедов, ака-ука Абдурасул, Мирзакарим ва Тўхта Раҳматуллаевлар, Мажид Қозоқбоев, Мирзавали Раҳимов, Мирзаали Тўраев, Комил Зобировлар Ватан тупроғини кўз қорачиғидай сақлаймиз, деб шаҳид кетишди. Уларнинг муборак номлари урушда ҳалок бўлган жангчиларга ўрнатилган ёдгорлик «Ҳурмат тахтаси»га зарҳал ҳарфлар билан ўйиб ёзилган. Ўша ердан ўтсам доим юрагим алланечук бўлиб кетади...

Ҳозирда Ҳошим ота Олимжонов Тошкент туманидаги Ғиёс Умаров номли жамоа хўжалигида ободончилик ишлари бўйича фаол. «Ўзбекистон» маҳалла қўмитасининг раиси. Маҳаллада бу йил катта ҳашар йўли билан янги чойхона ва мачит қуриб фойдаланишга топширилди. Бундай хайрли ишларда отахон доим бошқош. Тўй ва маъракаларни ихчам ва тежамли ўтказиш, ночор хонадонлар ва етим-есирлар ҳолидан хабар олиб туриш маҳаллада қонун тусига кириб қолган.

Ҳошим отанинг табаррук ва файзли хонадонини Кўктерак даҳасида ҳамма билади, ҳурмат қилади. Наима, Саида, Насиба, Қобилжон каби фарзандлари турли касб эгаси, тарбияли, одобли ўғил-қизлар. Ўтган йил ниҳоятда саховатли келди. Ҳошим ота картошкадан мўл ҳосил олди. Янги нав уруғни бу йил ҳам даласига экиш учун уни бир чеккага ўтириб олиб эринмай саралаяпти. Ҳуринисо ая невара келин Фаридахон билан тандирга ўт қалаяпти. Шу топда эшик қўнғироғи жиринглади. Қизлари Наимахон ҳаяжонини босолмай онасининг иссиқ бағрига отилди.

— Суюнчи, суюнчи беринг, онажон. Иккинчи чеварангиз муборак бўлсин!

Табаррук хонадонда бахтиёр авлоднинг яна бир вакили дунёга келди. Иншоолло, замонамиз доим тинч, нурафшон бўлсин!

Фаттоҳ АБДУРАҲИМОВ.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 13

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Биздан озод ва обод Ватан қолсин».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Иқтисодий мустақиллик йўлида».
19.45 Дони Зокиров номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «XXI аср бўсағасида».
21.40 Ўзбекистон халқ артисти Муножот Йўлчиева куйлайди.
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 14-қисм (Миср Араб Республикаси).
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:
18.30 Болалар учун. «Кўзмунчоқ».
19.00 «Саломатлик — туман бойлик».
19.30 «Кўзгу».
20.00 «Шаҳар юмушлари».
20.45 «5+1». Дам олиш кўрсатуви.
21.20 — 23.00 Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги олдидан. «Иссиқ қор». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Мактубларингизни ўқиб...»

«ОМАД» таништиради:

20.30 «Совға».
21.00 «4/8». Мусиқий кўрсатув.
21.15 «Жаҳон географияси».
22.05 «Панорама».
22.35 Эълонлар.
22.40 Видео — «О».
00.20 Эълонлар.
00.25 «Курьер».
00.40 «... яна об-ҳаво ҳақида».
00.50 «Постфактум».
01.00 — 01.20 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Ҳамманинг тилида».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал (Мексика).
19.55 «Эх, йўллар — фронт йўллари...»
20.05 «Эксклюзив».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 А. И. Солженицин билан учрашув.
22.00 «Спорт уик-энди».
22.10 — 22.50 «Йўлбошчи». Финляндия Республикаси Президенти Марти Ахтисаари.

СЕШАНБА, 14

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Катта кўчада оркестр билан». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. География.
11.00 «Болалар меҳмонхонаси».
11.30 Ўқув кўрсатуви. Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Яхшиларга эргашиб».
12.40 Немис тили.
13.00 «Азамат Шарипов куйлайди».
13.30 «Бобур изидан». Йўл хотиралари.
13.50 — 15.40 «Синов даври». Видеоканал.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Доно бобо даврасида».
18.35 «Солик».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Элим деб, юртим деб ёниб яшаш керак».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Жаҳон жанговар санъатлари».
21.30 «Назм ва наво». Бобур лирикаси.
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 15-қисм.
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Мультфейерверк».
19.00 «Ҳайвонот боғларидаги ҳаёт».
19.50 Янгиликлар.
19.55 «Хусусийлаштириш: қадам — бақадам».
20.15 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
20.40 «Видеогид».
21.00 «Теле-ателье-шоу».
21.10 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.55 «Кинонигоҳ».
23.35 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Кашф этилаётган имкониятлар».

*

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.25 «Уорлднет» телекомпаниясининг янгиликлари.
20.45 «Дурдаршн» телекомпаниясининг кўрсатувлари.
21.45 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.00 «Марказий Осиёнинг бадиий маданияти».
22.40 — 23.23 «Дўстлик сарҳад билмайди».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «Вазият».
18.30 «СБ» жумбоғи».
18.40 «Ҳужжатлар ва тақдирлар».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Биз». В. Познернинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Илк манбадан».
21.50 Кино асри. «Майда ўғрилар». Бадиий фильм (Венгрия, 1991 й.).
23.25 — 23.50 «Гол».

ЧОРШАНБА, 15

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Сўнгги учрашув». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Умумий биология.
11.00 «Ёшлик» студияси. «Эъзоз».
11.40 Алифбо сабоқлари.
12.10 «Ҳуқуқий жамият сари».
12.40 Ёш ижрочилар концерти.
13.10 «Тафаккур калити».
13.40 — 14.40 «Буни ҳамма билиши керак!».

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Ургут тумани «Бешқарсак» фольклор-этнографик ансамблининг концерти.
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Навоийхонлик». Адабий кўрсатув.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 Бевосита мулоқот.
21.45 «Бизни мафтун этган мусиқа». Мусиқий кўрсатув.
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 16-қисм.
23.20 — 23.45 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 «Ўзим ҳақимда...».
19.00 «Дарсга кўнгироқ».
19.45 «Нурли хотиралар».
20.45 «Мусиқий меҳмонхона».
21.45 «Тошкент оқшомида».
22.45 — 00.10 «Гайдуклар». Бадиий фильм.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Ёшлик» студияси. «Мўъжизалар оламида».
20.25 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:

21.15 — 00.15 «Қитъа спорти».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси.
18.45 «Ким аслида ким?» XX аср. Н. Басов.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.55 «Театр + ТВ». Лелик Утин ва Олег Табаков.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Монолог».
21.50 — 22.50 «Александр Морозовнинг биллар занжирлари».

ПАЙШАНБА, 16

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Кўчатлар». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Физика.
11.00 «Халқ ижодиёти». Сибизға ва дўмбира садолари.
11.30 Инглиз тили.
12.00 «Ёшлик» студияси. «Талабалик йилларим».
12.40 — 14.40 «Маърифат» видеоканали.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Эстрада калейдоскопи.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Шеърий дақиқалар». Эътибор Охунова.
19.35 «Тараққиёт».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Миллионлар минбари». Сиёсий мусоҳаба.
21.30 «Тановор» миллий рақс ансамблининг концерти.
22.00 «Замин қалбига қулоқ тут». Телефильм.
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 17-қисм.
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Жозиба».
18.55 «Бир шингил ҳангома».
19.05 «Ишингиз бароридан келсин».
19.20 «Муҳаббатга ошно қалблар».
19.40 «Теле-ателье-шоу».
19.50 Видео янгиликлари.
20.15 Янгиликлар.
20.20 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 «Кинонигоҳ».
22.45 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

ЎзТВ III

«ОМАД» таништиради:

21.15 — 21.45 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Халоскорлик». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 Телефильм.
20.10 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
20.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:

21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.55 «Даракчи».
22.05 Эълонлар.
22.10 Видео — «О».
23.50 — 00.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «Инсон ва қонун».
18.30 «50 йил муқаддам ушбу кунларда».
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Бомонд».
19.20 «Шаддод Роза». Телесериал.
19.50 «Мўъжизалар майдони».
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Ҳафтанинг машҳур кишиси».
22.00 — 23.10 «Детективлар клуби»да. «Гурух». Телесериал (Франция). 6-серия.

ШАНБА, 18

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Қайлиқ ўғирлаш». Бадиий фильм.
10.10 «Шохрух» клуби.
10.40 «Оламни асранг!».
11.10 Болалар учун. «Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб».
11.40 «Қишлоқ ҳаёти».
12.40 «Ғазалхон ёшлигим».
13.20 «Бир қизга икки бор ёр-ёр бўлмасин». Мусиқий кўрсатув.
13.50 — 15.20 «Маънавият». Бадиий-публицистик кўрсатув.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.10 Ўсмирлар учун. «Умид учқунлари».
18.45 Спорт хабарномаси.
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Илҳом» телевизион клуби.
20.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Санъатга пайванд диллар». Мусиқий дастур.
21.25 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
21.40 «Хотира». Ганижон Тошматов.
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 18-қисм.
23.15 — 23.40 «Ўзбекистон» ахбороти.

ЎзТВ II

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Учқун».
19.00 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
19.30 «Билиб қўйган яхши».
19.55 Гулзамон Ғуломова чалади.
20.15 «Шоҳсупа сари».
20.45 — 23.45 Буюк Ғалабанинг 50 йиллигига. «Халоскорлик». Бадиий фильм. 1—2-сериялар.

ЎзТВ III

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 Телефильм.
20.10 «Бозор иқтисодиёти сабоқлари».
20.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадиий фильм.

*

«ОМАД» таништиради:

21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
21.55 «Даракчи».
22.05 Эълонлар.
22.10 Видео — «О».
23.50 — 00.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30 — 9.00 «Тонг».

***

18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.30 «Рублли киши».
18.45 «Ким аслида ким?». XX аср. Бокасса.
18.50 Янгиликлар.
19.00 «Тиғиз пайт».
19.30 «Шаддод Роза». Телесериал.
20.00 «Серпантин». М. Захаровнинг муаллифлик кўрсатуви.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.40 «Москва, Кремль».
22.05 «Менинг А. Керенский билан учрашувим». Г. Боровикнинг муаллифлик учрашуви.
23.05 — 23.40 «Барча юлдузлар». Кабаре.

ЖУМА, 17

ЎзТВ I

7.00 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

*

9.00 «Тихомиров фожиаси». Бадиий фильм.
10.30 Ўқув кўрсатуви. Ўзбекистон халқлари тарихи.
11.00 «Янги китоблар».
11.30 Лирик концерт.
12.00 Немис тили.
12.20 «Давр ва тадбир».
12.50 «Ёшлик» студияси. «Оқар дарёлар».
13.30 — 14.00 Шифокор экрани.

***

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Хусусийлаштиришнинг янги йўналишлари».
18.30 «Тилга эътибор».
18.55 Эълонлар.
19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида).
19.20 Эълонлар.
19.25 «Хилол» студияси. «Авто +».
19.40 «Етти иқлим садоси». Халқаро шарҳ.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Эълонлар.
20.30 «Ўзбекистон» ахбороти.
20.55 Эълонлар.
21.00 «Менга қарата олма от». Қисқа метражли бадиий фильм.
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
22.30 Муборак Рамазон тухфаси. «Муҳаммадур Расулуллоҳ». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм премьераси. 19-қисм.
23.20 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
23.30 «Тунги ёғду». Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

«ОМАД» таништиради:

9.00 «Мультфейерверк».
9.30 «Ҳайвонот боғларидаги ҳаёт».
10.20 Янгиликлар.
10.25 «Хусусийлаштириш: қадам — бақадам».
10.45 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
11.05 «Видеогид».
11.25 «Теле-ателе-шоу».
11.35 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
12.20 «Кинонигоҳ».
14.00 «Омад» тақвими.
14.05 «Жозиба».
14.25 «Бир шингил ҳангома».
14.35 «Ишингиз бароридан келсин».
14.50 «Муҳаббатга ошно қалблар».
15.10 «Теле-ателье-шоу».
15.20 Видео янгиликлари.
15.45 Янгиликлар.
15.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва Эълонлар.
16.35 «Кинонигоҳ».
18.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-Си»).

*

«Тошкент» студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. «Табассум».
19.00 «Акс-садо».
19.40 «Пульс». Хабарлар.
19.55 «Антенна».
20.25 «Ҳар соҳадан бир шингил».
20.45 «Менинг кўчам».
21.05 «Танишиб қўйлик».
21.30 «Эсдалик учун дастхат».
21.55 «Компьютер-сехргар».
22.15 «Кинематограф».
23.55 — 24.00 «Хотима».

ЎзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 «Безнен мирас» (татар тилида).
10.40 — 11.30 «Олтин атиргул» ғори». Кўп серияли телевизион бадиий фильм (Италия). 3-серия (рус тилида).

***

18.10 — 19.40 Туркия телевидениеси.

*

19.40 «Мульткарусель».
19.55 «Кафолат».

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

20.25 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».
20.50 «Дидар» (қозоқ тилида).
21.30 «Би-Би-Си» янгиликлари.
21.45 «Бу ажиб дунё».
22.05 — 22.20 «Си-Эн-Эн» янгиликлари.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.45 «Ақлли болалар ва оқила қизлар».
18.35 «Улкан сайёра».
19.25 Дмитрий Холодов хотирасига бағишланган

Абу Райҳон Беруний ҳаётидан лавҳалар

ШОҲ ВА ОЛИМ

1.

АЙТИШЛАРИЧА, султон Маҳмуд Ғазнавийнинг афтиангори анча совуқ ва заъфарон бўлган. Отаси Собуқ Тегиннинг вафотидан кейин у тахтга ўтириб, атрофдаги мамлакатларни, шу жумладан, бой Моваронннахр ва Ҳиндистонни ҳам босиб олган.

Маҳмуд Ғазнавий одатдагидек саҳар намозини ўз хонасида, махсус жойнамоз гилами устида ўқир эди. Унинг қаршисига битта патирдек кўзгу ва тароқ қўйилган. Султоннинг қуриқчилари бўлган икки занги ғулом қаққайганча, киприк қоқмай туришипти. Шунда эшик аста очилиб, хонага вазир Шамсул Мулк олим Абу Райҳон Берунийни бошлаб киради. Улар кирганини сезган Маҳмуд намозни бузмай, боши билан ишора қилиб ўтиришга буюрди. Намозни ўқиб бўлган шоҳ бошига кулоҳини кийиб, елкасига чопон ташлади. Сўнгра кўзгуни олиб, ўз сиймосини кўрди. Бир хўрсиниб қўйдида Берунийдан сўради.

— Мен ҳозир нима тўғрисида ўйлаганимни сен билурмисен?

— Олампаноҳ биздан кўп билур, — деб Берунийнинг ўрнига жавоб қилди Шамсул Мулк.

— Одамлар хушрўй ҳукмдорни кўпроқ суяди, — деди Маҳмуд маюслик билан ва қўшиб қўйди. — Менинг ҳунук юзим учун одамлар мени ёмон кўриб қолмоқдалар, — деб султон бир хўрсинди.

Орага жимлик чўкди. Индамай ўтириб, ноқулай вазиятга тушиб қолишдан ҳайиқ-ган Беруний гап бошлади:

— Олампаноҳ! — деди Беруний бош эгиб. — Шундай бир иш қилиш мумкинки, сени халқ севиб қолсин. Хотинлари, бола-чақасини ҳам унутиб, улар сенга жонини беради. Сенинг фармонингни бажариш йўлинда ўзини сувга ҳам, ўтга ҳам урур.

— Бу қандай иш эрур? — жонланиб сўради Маҳмуд.

— Сен олтинни, ўзингга душман бил! — деди Беруний султоннинг кўзига тик қараб, — шу ондаёқ халқ сени ўзига дўст билур.

Шамсул Мулк Берунийнинг шартакилигидан ранжиб, лабини тишлади. Маҳмуд Ғазнавий бўлса ерга қараб ўйланиб қолди.

— Сенинг гапингда минг маъно бордур, — деди ниҳоят Маҳмуд ва жилмайиб қўшиб қўйди. — Бул фойдали маслаҳатингга итоат этгум!

Шундан кейин султон Маҳмуд сахийликка юз тутти, хайрли ишларга қўл урди, муҳтожларнинг ҳожатини чиқарди. Фуқаронинг унга меҳри ошди. Маҳмуд Ғазнавийнинг кучига куч қўшилиб, кўп ўлкалар унга тобеъ бўлиб қўшилди. Бундан қувонган султон Берунийни саройга чақириб, унга шундай деди: «Олтиндан қўлимни тортганимдан бери, у дунё ҳам, бу дунё ҳам ўзи қўлимга келди».

2.

Маҳмуд Ғазнавий, бир куни Берунийни чақириб, сўрапти:

— Мен анча ҳайрли ишлар қилдим, халқ мени яхши кўрадиган бўлди, ҳамма мендан рози, — деди султон, мамнуният билан жилмайиб ва олимга савол берди. — Қани айтчи, энди жаннатга тушунманми ёки йўқ?

Шунда Беруний ўйланиб қолади ва шундай жавоб қилади:

— Ривоятларда айтурларким, Юсуф бул фоний дунёни тарк этатуриб, ўз жасадини бобоси Иброҳимнинг қабри ёнига кўмилишини васият қилган. Вақти етиб, Юсуф бандаликни бажарганида, унинг гўрини, васиятга итоат қилиб, Иброҳимнинг сағанаси ёнидан қазидилар. Тобутни келтириб, жасадни шул гўрга қўйиш олдида Жаброил пайдо бўлиб: «Бул ер Юсуфнинг жойи эмас. Ул подшолик қилган пайтидаги гуноҳлари учун қиёмат куни ҳали Оллоҳнинг олдида жавоб бериши керак!» депти.

Берунийдан бу гапни эшитиб, султоннинг ранги ўчди.

— Юсуфдек бандаи-бегуноҳга қилинган муомала шул бўлса, бизларнинг холимиз не бўлур?!, — деди Маҳмуд Ғазнавий ўйга толиб.

— Айтурларким, — деди, яна шу боис Беруний. — Қиёматда, ҳукмдорлар қўли бўйнига боғлиқ ҳолда сўроқ қилинурлар. Гар ҳукумдор одил эрса, унинг қўлин ечиб, жаннатга йўллашур. Гарчи зулмдор эрса, унинг қўли бўйнига боғлоқликча жаҳаннамга итқитурлар.

— Ё астофурулло!, — деди Маҳмуд, ёқасини ушлаб.

Зиндондаги барча бандиларни озод қилиш ҳақида шу куниёқ фармон берди.

3.

Олтмишдан ортиқ тил билган ва ниҳоятда ўқимишли бўлган Берунийнинг суҳбатини Маҳмуд Ғазнавий катта муштоқлик билан кутарди. Ҳарбий юришдами, сафардами ва ҳатто шикорда бўлганида ҳам султон олим ташрифига қувонар эди.

— Менга улуғлар тарихидан ҳикоят қил, — илтимос қилди султон, галдаги суҳбатда Берунийдан.

Бундай суҳбатларда уларнинг ўрталарида ўтириб, гапга қулоқ осадиган шаҳзода Маъсудга бир қараб олиб, Беруний нимани ҳикоя қилиб беришни ўйлаб турди-да, гап бошлади.

— Бул дунёдан кўз юмаётган ҳазрат Умардан, уни Оллоҳ раҳмат қилгай, унинг ўғли Абдуллоҳ илтижо қилиб: «Ота сени энди қачон кўрурмен?» деб, сўрапти, — деди Беруний ва ўйланиб қолди.

— Отаси нима жавоб қилипти? — сўради Маҳмуднинг ичи пишиб.

— «Ул дунёда» деб жавоб берган шунда Умар, — деди Беруний ва қушиб қўйди. — «Биринчи, иккинчи, ёки учунчи кеча тушингга кирурмен» деган.

— Хўш, кейинчи, — сўради шаҳзода ҳам қизиқиб.

— Кунлар, ойлару йиллар ўтсада Умар ўғли Абдуллоҳнинг тушига кирмаган... Орадан ўн икки йил ўтгач, Умар ўғлининг тушига киради. Шунда Абдуллоҳ «Отажон, узоғи билан уч кун ўтгач, тушингга кираман деган эдингку?!» деди отасига, — деб Беруний Султонга қаради ва гапида давом этди. — «Юмушим кўпайиб кетган экан», деб жавоб қилипти Умар ўғлига.

— Қандай юмуш бўлиши мумкин, — қизиқди Султон.

— Абдуллоҳ ҳам Умарга шул саволни берган, — деди Беруний ва гапида давом қилди. — Умар дедиким: «Боғдод атрофинда бир қўприк синган. Назоратчиларим бўлса, бунга эътибор бермаган. Бул қўприкдан пода ўтатуриб, бир қўй шул тешикдан йиқилиб, оёғи синган. Энди мен ҳозиргача шунинг жавобини бериб келаяпман».

— Ҳақиқатдан ҳам ҳукумдор ўз ҳукми остидаги на фақат инсонлар, барча жонсизу-жондорнинг тақдирига жавоб бермоғи керак, — деди Маҳмуд Ғазнавий, пешонасидаги терини қийиғи билан артиб.

4.

Бир куни Маҳмуд Ғазнавий Беруний билан суҳбатлашиб ўлтириб, ундан сўради:

— Менга шикоят билан келувчи жабрдийдаларни қайси ерда ва қандай қабул қилганим маъқулдир?

— Саройнинг махсус хонасида, панжара ортида ўлтириб шикоятчиларни қабул қилиш хатодир, — деди Беруний. — Чунки шикоят сабабчилари бўлган амалдорларинг жабрдийдаларни сенинг хузурингга киришларига тўсқинлик қилурлар, сенинг дийдорингни кўришдан уларни бенасиб этурлар.

— Тўғри гапни айтдинг! — деди Маҳмуд кўзлари ёниб. — Аммо, султоннинг ўзи жабрланувчиларни излаб юришини ҳам ақл бовар этмас?!

— Бунинг учун сен кенг майдонга бир супа тиклат, — унга маслаҳат берди Беруний. — Жабрланувчилар шул майдонга тўпланасинлар. Сен эса от миниб, шул супа устига чиқасан. Шунда сен, жабрланувчиларнинг бетини, улар эса, ўз султонларининг дийдорини кўраолурлар.

Маҳмуд Ғазнавий, шу маслаҳатга кириб, Ғазна четидан бир майдон ажратиб, унинг қоқ ўртасига катта супа қурдирди. Бу ишлар битгач, супа устига от миниб чиққан Султон Маҳмуд, майдонда тўпланган жабрдийдаларнинг кўплигини кўриб, истиробдан отдан бехуш йиқилди. Чунки, у шу пайтгача, амалдорларининг гапига ишониб, мамлакатда одиллик ҳукум сурур, шикоят қилувчилар мутлақо йўқдир деб, кўнгли тўқ бўлган.

5.

Маҳмуд Ғазнавийнинг буйруғи билан, сарой дарвозасининг олдига, ҳатто етти яшар гўдакнинг ҳам бўйи етарлик баландликда занжир илинди. Бу занжирнинг бошқа бир учида кўнғироқ бўлиб, султон ҳузурига кимки шикоят билан келса, шу заржирнинг бандидан тортса бас, олампаноҳнинг хонасидаги кўнғироқ чалиниб, кимдур дард чекиб, султоннинг ҳузурига адолат истаб келганидан хабар бериши керак эди. Шунда Маҳмуд Ғазнавийнинг фикрича адолат ўрнатиш юзасидан шахсан ўзи назорат олиб бориши мумкин бўларди.

Сарой дарвозасига илинган занжирни кўрган амалдорлар, ўз гуноҳларидан қўрқиб, шошилинч тадбирлар ўтказишди: кимнинг ҳақига ҳиёнат қилинган бўлса, уни рози қилишиб, алам чекканларнинг дардини аритдилар. Етти йилгача, бирон-бир мусулмон саройга шикоят билан келиб, кўз-ёш тўкмади, дарвоза олдидаги занжир бандини тортмади.

Орадан етти йилдан ортиқ вакт ўтган... Бир куни, сарой меҳмонларидан бўшаб, навкарлар дам олаётган бир пайтда, ҳамма унитаёзган кўнғироқ кутилмаганда чалиниб қолди. Бундан саройдагиларнинг тинчи йўқолди, ҳамма ҳайрон.

— Қарангларчи, ким шикоят билан келди экан? — деди кувониб Маҳмуд ва икки навкарни дарвоза томон югуртирди.

Навкарлар ташқарига чиқиб қарашса, ҳеч ким йўқ. Битта холдан тойган ва ҳамма ерини кўтир босган эшак занжирга ишқаланиб, кўтирини қашламокда. Навкарлар эшакни таёқ билан уриб, қанча ҳайдашмасин, у занжирга ишқаланаверар эди. Навкарлар воқеъани Султонга кириб айтишди. Султон Маҳмуд ўйлаб, бир ўйга етаолмагач, Берунийни чақиришни буюрди.

— Бу, сенлар ўйлагандек, шунчаки эшак эмас. Бу кониворр шикоят билан келганга ўхшайдур, — деди Беруний кулиб, эшакка разм солар экан. У Султон Маҳмудга юзланиб деди. — Икки навкар эшакни бозорга элтиб, унинг эгасини суруштиришсин.

Икки навкар бояги эшакни етаклаб, шаҳар кўчаларини кеза бошлашди.

— Бу эшакни шаҳарда билмайдиган инсон йўқ, — деди навкарларга темирчи уста, босконини босиб. — Унинг эгаси Шоасқар ўтинчидир. Мана, йигирма йилдирки, у бу эшакда шаҳарга ўтин олиб келиб, сотиб юриб эди. Эшак қаригандан бери, икки ойдирки, бу хумпар эшакни уйидан ҳайдаб юборган. Эшакнинг ҳолига раҳим қилган мусулмонлар, унга хайир-садақа йўлинда бирор нарса ташлаб юрарди.

Темирчи устахонасидан қотган нон бўлакларини олиб чиқиб, эшакка берар экан. Сўнгра у эшакка раҳми келиб қараб турдида, ух тортиб, деди:

— Афтидан эшакнинг бу рисқи ҳам тугапти, шекилли.

Навкарлар эшитганларини саройга келиб Султонга айтишди.

— Беруний ҳақ экан! — деди Маҳмуд кулиб. — Эшак, хузуримизга одиллик сўраб келган экан, биз билмапмиз.

Бу кеча эшак Султон отхонасида тунаб қолди. Эртасига Маҳмуд Ғазнавийнинг буйруғи билан Шоасқар ўтинчини бозорда тутиб, Султон навкарлари уни саройга сургаб келтиришди. Сўнгра унинг маҳалласидан тўрт оқсоқолни ҳам етказиб келишди. Ҳамма йиғилгач, Маҳмуд Ғазнавий сўзлади:

— Бул бедин, — Султон ўтинчини кўрсатди, — эшакнинг кучи борида уни роса ишлатган. Энди қариб, ишдан қолганидан кейин эшакни хўрлаб, унга зулм этган. Шул тўғрими? — Султоннинг саволига тўрт оқсоқол «тўғри» деб, бараварига жавоб беришди. Султон гапида давом этти. — Шул сабаб, эшакнинг эгасига юз дарра урилсин.

Навкарлар Шоасқар ўтинчини савалаб, ўликдек чўзилтириб қўйишди. Маҳмуд Ғазнавий, оқсақолларга қарата шундай деди.

— Бул бетофиқ эшакнинг то ўлгунича, уни тўйғазиб боқиб юришини амир этдим. Бунга сизлар кафил бўлиб, амримизнинг адо этилмоғини назорат этурсизлар. Амримиз бузулса, ўтинчини ҳам, унга кўшиб сизларни ҳам жаллод ихтиёрига бергум. Чунки сизлар бунга бефарқ бўлгансизлар.

Айтишларича ўтинчи эшагидан олдин ўлиб, эшакни боқиш бояги оқсоқолларнинг зиммасига тушган экан.

6.

Ўз девонида янги амаллар жорий қилиб ўлтирган Маҳмуд Ғазнавий Берунийни саройга чақиртириб, ундан сўради:

— Мен соҳиб-хабар тайинлашимдан ранжиган эмишсан. Бунга не сабаб? Бизга тушунтир, — деди Султон, бироз ранжигандек бўлиб.

— Сен салтанатингни шамолда пўтраб кетишига, сенга фидойи бўлган хизматкорлар сендан четланишлари тамон юз тутдинг, — деди олим.

— Қандай қилиб? — ҳайрон бўлди Маҳмуд.

— Соҳиб-хабар тайинлаганингдан кейин, адолатсизликлар юз берур, — деди Беруний ва тушунтирди. — Сенга дўст ва вафодор амалдорлар соҳиб-хабарга бефарқ бўлиб, унга ҳечбир нарса бермайдилар. Сенинг душманларинг ва ғаразгўйларинг бўлса, ўз қилмишларидан чўчиб, соҳиб-хабар билан дўстлашурлар, унга турли иноъомлар бериб, ҳақиқатдан унинг кўзини беркитурлар. Шундай бўлгач, у дўстларинг ҳақида сенга ёмон хабарлар етказиб, душманларингни эса ноҳақ мақтайди. Кўп ўтмай дўстларинг саройдан четлашиб, душманларинг саройга яқинлашур. Салтанатда дўстларинг ўрнини душманларинг эгаллайдур.

А. АЗИМОВ.

(Давоми бор.)

(Боши газетанинг ўтган сонларида).

Меросимизни ўрганамиз

● Турмуш чорраҳаларида

КИМ БОР БУЮКЛИКДА ТОҒЛАРДАН БУЮК

ҚЎЛИМГА қалам олишга мажбур этган бу воқеани анчадан бери ўйлайман. Мана, дугонам Зуҳрани кўрмаганимга ҳам анчагина вақт ўтди. Аммо, унинг оилавий ҳаёти билан боғлиқ гаплар кечагидек ёдимда.

Она вафотидан сўнг фарзандлар тарбияси билан ёлғиз ота шуғуллана бошлади. Абдулла ота «Кенжа ўғлим армиядан келиши билан уйлантираман» деган ниятда тараддудга тушди.

У икки жойда ишлаб топган-тутганини тўйга сарфлади. Ўзига яқин маҳалладан келин туширди. Келини — Наргиза ҳам яхши хонадоннинг фарзанди, ҳаёли, иболигина қиз экан. У хонадондагиларнинг иззат-ҳурматини жойига қўйди. Баҳромжон билан тотув яшаб, бирга ишлаб, уйга файз-барака киритди. Маҳаллада чаққонлиги, очиққўнгиллиги, ширинсўзлиги билан яхши ном чиқарди. Айниқса, ёши улуғ кексалардан Ҳури буви Наргизани кўрди дегунча, «Умрингиздан барака топинг, болам, қайнонангиз сизни кўрмаганидан афсусланаман. Раҳматли худди сиздака ақлли, камсуқум, чаққон, дилкаш келинни орзу қилар эди» дея дуо қилгани қилган. Ота ҳам, унинг қизи Зуҳра ҳам келиндан ёлчиганларини яширишмасди. Келинлар ҳақида гап кетса, тилларидан бол томарди.

Ой-кунлар ўтиб Наргиза ўғиллик бўлди. Оила қувончини қутлагани йўл олдим. Бир пиёла чой устида суҳбатимиз авжига чиққанида, телефон жиринглаб қолди. Гашакни Зуҳра кўтарди. У сўзлашар экан, юз-кўзларида қувонч жилоланарди.

— Дугонажон, — деди Зуҳра ўтираркан, — қадамингиз енгил келди. Акам оёққа турибдилар. Беш-ўн қадам босиптилар ҳам...

Кейин менинг бўлган воқеадан хабарсизлигимни эслаб, акасининг икки ойча аввал фалокатда оғир жароҳатланганини, шифокорларнинг тезкорлиги, фидойилиги туфайли омон қолганлигини гапириб берди.

— Кўз ёрмасларидан олдин келинойим, катта акам қараб туришган эди. Энди адажоним ёнларида, — деди Зуҳра.

Унинг отаси жуда меҳрибон одам. Болалигимизда икковимизни баравар эркалар, ишдан қайтганларида чўнтакларидан қанд-қурс олиб, бир хилда сийлар эдилар. Дилимда отани кўриб, кўнгил сўраш нияти пайдо бўлди. Зуҳра таклифимни эшитиб, қувониб кетди. Иссиқ овқат тайёрлаб йўлга тушдик. Автобусда суҳбатлашиб бораркамиз, Зуҳра отаси ҳақида гап очди. Кейин:

— Дугонажон, оиласига, бола-чақасига бунақа меҳрибон одамлар кам бўлса керак. Онамнинг вафотларидан анча йиллар ўтгач, акаларим, қариндош-уруғлар отамга уйланиш тўғрисида таклиф қилишди. Йўқ, уйланмайман, дея эътироз билдирдилар. «Онангнинг қандай аёллигини яхши биласизлар. Иззат-ҳурматимни жойига қўйишда тенги йўқ эди. Хизматдан ярим тунда келганимда ҳам, эрта тонгда ишга кузатаётган чоғида ҳам ҳамиша меҳри тафтини сезардим. Меҳмон кутиш, қўни-қўшниларга бўлган самимий муносабати, бағрикенглигини етти маҳалла биларди», — дейдилар алоҳида бир ғамгинлик билан. Отамнинг шифохонадаги олийжанобликлари ҳақида мендан кўра, борганимизда дўхтирдан сўрасангиз, батафсил айтиб беради. Отамнинг бунчалик болажонликлари, буюкликларига ҳаммамиз қойил қолдик.

Шифохонада ота билан учрашдим, кўнгил сўрадим. Кейин даволовчи шифокор Атҳам аканинг қулфи дили очилди:

— Ота ажойиб одам эканлар, — деди у. — Операциядан кейин беморга янги қон талаб қилинарди. Ўша кезларда шифохонада у танқисроқ эди. Мен қон берадиган киши керак, дедим. Ота билакларини тутганича: «Ўғлим билан қон гуруҳимиз бир. Истаганча олаверинглар», дея туриб олдилар. Биз кекса кишидан қон олиш мумкин эмаслигини тушунтирдик. Ота эса «Пешонамдан кўраман. Фарзандим учун жоним багардон» деб сўзларидан қайтмадилар. Шу орада етиб келган беморнинг акасидан гуруҳи тўғри келганлиги учун қон олишга тараддудландик.

— Йўқ, — дедилар ота кўзларида ёш билан. — Бу ўғлим эртага сафарга кетади. Мендан олаверинглар, барака топгурлар...

Биз кўнмадик. Беморнинг акаси: «Сафар кечиктирилди, ота, ҳавотир олманг, мен қон бераман», деди.

Ота хафа бўлсалар ҳам биз беморнинг акасидан қон олдик. Бемор омон қолди. Эндиликда оқсоқ бўлиб қолмаслиги учун бутун чораларни кўряпмиз.

Ота ҳақида яна бир нарсани айтай. ...Аранг оёққа турғазаётган кунларимиз эди. Хонага кирсам, не кўз билан кўрайки, ҳамширанинг чиққан пайтини пойлаб, отахон ўғилларини опичлаб олибдилар. Мени кўришлари билан ҳижолатомуз: «Бир нафасгина очиқ ҳавони айлантириб келай, ахир бу ётишда ўғлимнинг кураклари ўйилиб кетади-ку», дедилар. Ҳамширалар кўмагида зўрға беморни жойига ётқиздик. У ҳали қимирлаши мумкин эмаслигини отага тушунтирдик. Мендан ранжидилар... Орадан икки ойлар ўтиб, Баҳром бир-икки қадам боса бошлади. Ота беҳад севиндилар. Шунда:

— Бир опичлаб ўйнатиб келинг, — деб ҳазиллашдим.

— Отанг айлансин, фарзанд доғини ҳеч кимга кўрсатмасин. Ота-оналар ўғил-қизлари учун ҳар нарсага тайёр турадилар, — дедилар отахон.

Шифокор Абдулла отанинг мижжа қоқмай Баҳромнинг ёнида ўтириб чиққанлари, оғриқ кучайган кезларда ўзларини қўярга жой тополмай колганликлари ҳақида сўзлаб берди.

Биз отахон, Баҳром ака, меҳрибон шифокор билан хайрлашдик.

Йўлда келар эканман, фарзандларининг таклифига кўнмай марҳума-умр йўлдошига содиқ қолган, дўхтирга билагини тутиб «Мендан қон олинг» дея илтижо қилиб турган, ўғлини опичлаб олиб, очиқ ҳавога отланганда «қўлга тушиб қолган» фидойи, буюкликда тоғлардан ҳам буюк мўйсафид сиймоси кўз ўнгимдан кетмасди.

Бундай отахонларга ҳамду санолар айтмай бўладими!

Шахло ОБИДОВА.

Билиб қўйган яхши

«БОШҚОТИРМА»ЛАР ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

ИНСОНЛАР ўзларининг бўш вақтларини турлича ўтказадилар. Биров китоб мутаолаа қилса, биров ҳовлидаги гуллар билан шуғулланади. Биров турли хил коллекциялар йиғса, биров матбуот саҳифаларидан ўрин олган ранг-баранг «бошқотирма»ларни ечиш билан машғул бўлади. «Бошқотирма»лар билан шуғулланиш керакми? Аввалом бор, улар киши зеҳнини ўткирлаштиради, хотирани мустаҳкамлайди, қолаверса киши билим доирасини кенгайтиради.

«Бошқотирма»лар неча хил, уларнинг тарихи қандай? Саволга жавоб бериб шуни айтамизки, «бошқотирма»ларга кроссворд, чайнворд, чайнкроссворд, циклоккроссворд, ребус, криптограмма ва бошқалар киради. Улар ичида энг кўп тарқалгани кроссворд ва чайнвордлардир. Кроссворд инглизча бўлиб, «кесишган сўзлар» деган маънони англатади. Унда берилган саволларга жавоблар катакларнинг бошига қўйилган рақамдан бошлаб тўлдирилади.

Маълумотларга қараганда, кроссвордни асримиз бошида жанубий африкалик инглиз Виктор Орвилл қамоқ камерасида ўтириб, биринчи бор ижод этган экан... Уни автомобиль фалокатида айблашиб, уч йил жазога ҳукм этишади. Ҳибсда зериккан Виктор ўз вақтини бирон нарса билан банд этишга ахд қилиб, қоғозга чизилган тўртбурчакларни харфлар билан тўлдиришга киришади. Кунлардан бир кун унинг «иши» натижа бериб, «маҳсулоти» маҳаллий газетага жўнатилади. Шу тариқа биринчи кроссворд матбуот юзини кўради.

Виктор Орвилл қамоқ муддатини ўтагач, Жанубий Африка уюшмасининг энг йирик банкида ўз ишини ўтказилган жуда катта миқдордаги пул сақланаётганлигидан бохабар бўлади...

Чайнворд инглизча «занжир» деган маънони беради. Унинг шакли кетма-кет давом этган катаклардан ташкил топади. Унда биринчи сўзнинг охирги ҳарфи иккинчи сўзнинг биринчи ҳарфи бўлиб, шу тартибда давом этади. Чайнкроссворд кроссворд ва чайнворд бирикмасидир. Криптограмма юнонча «яширин ёзув» деган маънони англатади. Унда мазмуни маълум белги ёхуд рақамларда яширинган ёзув тушунилади. Очиқ сўзлар рақам ёки белгилар билан ифодаланади.

«Бошқотирма»лар турли саналарга, соҳаларга, ёзувчилар, шоирлар, улуғ мутафаккирлар таваллуд топган кунларга ва бошқа воқеаларга бағишланиши мумкин.

Қуйида биз «Бошқотирма» усталаридан бири, бир неча йиллардан бери шу «эрмак» билан бошқотириб келаётган Шавкат Хидоятовнинг навбатдаги кроссвордини эътиборингизга ҳавола этамиз.

«ШЕЪРИЯТ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ» БОШҚОТИРМАСИ

1. Навоийнинг «Ҳазойинул — маоний» девонига кирувчи шеър тури. 2. «Ҳамса»нинг ишқий — саргузашт достони. 3. Навоий асарлари қаҳрамонларига моҳирлик билан сурат чизган мусаввир. 4. Шоир ердан олинадиган даромаднинг харажатларга етарли қисмини қолдириб, халқ учун сарф этганини таъкидлаган асари. 5. Навоий театрида 1939 йилда қўйилган биринчи ўзбек операси «Бўрон»га либретто ёзган адиб. 6. «Лайли ва Мажнун» достони қаҳрамони. 7. «Ҳамса»даги қаҳрамонлардан бири. 8. «Алишер Навоий» фильмида Хусайн Бойқаро ролини ижро этган актёр. 9. Она-юрт. 10. Шоир томонидан Хиротда солдирилган мадраса. 11. Фарҳод, Ширин, Шопур образлар сиймосида мужассамлашган инсоний сифат. 12. Навоий девонларини XV-асрда қайта кўчирган машҳур ҳаттот. 13. Шоир ҳомийлигида камол топган рассом. 14. Навоий достони асосида яратилган опера. 15. Ҳусайн Бойқаро томонидан Навоий тайинланган вазифа — мансаб. 16. Шоир шуғулланган фанлардан бири. 17. Шаклдош сўзлардан иборат қофияли шеър. 19. Навоийнинг отаси Гиёсиддин Кичкина ҳоким қилиб тайинланган шаҳар. 19. Шоирнинг адабиётшуносликка оид асари. 20. Шоирга бағишланган асар муаллифи. 21. Тошкентнинг Навоий кўчасидаги мадраса. 22. Алишер Навоий номли театр биноси лойиҳасини яратган меъмор.



Тузувчи

Шавкат ҲИДОЯТОВ.

УЙИНГИЗНИ ЕНГИНДАН САҚЛАНГ

Халқимизда «Ўт балосидан, сув балосидан асра» деб бежиз айтилмаган. Ҳақиқатан, баъзан лоқайдлик, баъзан эса эҳтиётсизлик туфайли содир этилган ёнғин катта нохушликлар келтиради, аксарият ҳолларда кишиларнинг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабабчи бўлади.

Масалан, олмаликлик 20 ёшли Б. Юсупов печкага ўтин ёқишда оддий ёнғин хавфсизлиги қоидасига риоя қилмаганлиги унинг учун фожиали тугади.

Тошкент тумани Тўлабий жамоа хўжалигининг С. Раҳимов кўчасида истиқомат қилувчи Г. Иванов эса маст ҳолда бўлган ва электр печкадан чиққан ёнғин туфайли уйи ёниб кетиб, ўзи эса ҳалок бўлган.

Афсуски, бундай нохуш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Шу боис Тошкент вилояти Енгиндан сақлаш бошқармасининг ходимлари томонидан жойларда ёнғинни олдини олиш борасида кўплаб ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир корхона ва фуқаролар уйларида ёнғинни олдини олиш тадбирлари аниқланиб, уларни қандай бартараф этиш юзасидан тушинтириш ишлари ва суҳбатлар, маҳалла қўмиталарида учрашувлар ўтказилмоқда.

Бу учрашувларда уйда ва иш жойларида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида бирмунча ишларни амалга ошириш лозимлигини, яъни уйларни иситишда газ ва электр асбобларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидалари талабига алоҳида эътибор беришни, шу билан бир қаторда печларни дудбурони созлигини тез-тез текшириб туришни бир неча бор таъкидлаб ўтилганига қарамасдан вилоятимиз бўйича фуқаролар уйларида содир бўлаётган ёнғинлар сони камаймаяпти. Шу йилнинг январь ойи мобайнида 6 нафар киши оловдан тан жароҳати олди ва 199 та фуқаролар турар жойларида ёнғинлар содир бўлди.

Ҳар бир хонадон соҳиби ёнғиндан сақланиш учун хушёрликни оширса ва фарзандларига ёнғинлар оқибати нималарга олиб келишини тушунтирса бундай кўнгилсиз воқеалар сони аввалом бор камаяди, қолаверса умуман бўлмайди.

Қ. АСАНОВ,

ички хизмат майори.

Ҳар тўғрида

ЙЎЛБАРС СУЯГИДАН ШЎРВА

Қадимги Хитой тиббиётида йўлбарсларнинг деярли барча аъзолари даволаш хусусиятига эга, деб ҳисобланган. Одамлар ундан амалда фойдаланишган. Ҳозирги вақтда ҳам айрим мамлакатларда шунга риоя қилинади. Чунончи, Тайвандда йўлбарс суягини қайнатиб, шўрва тайёрловчи замонавий завод бор. Унда ҳар йили қуруқ шўрва билан тўлдирилган юз мингта шиша савдога чиқарилади. Унинг харидорлари доим топилади.

Ҳа, ҳайвонлар шоҳи деб ном олган йўлбарслар ҳам инсон олдида ожиз бўлиб қолмоқда. Унинг кўзни қамаштирувчи терисигина қимматли бўлмасдан, танасининг ҳар бир қисми, ҳатто тумшуғи, тишлари, тана аъзолари ҳам ниҳоятда қадраланди. Бу шундай гўзал жониворлар камайиб боришининг асосий сабабларидан бири ҳисобланади.

ҲИСОБИДА 16 ТА АЙИҚ

Тюмень вилоятининг хантилар яшовчи Батякм қишлоғида ҳам кишилар оғзига тушадиган маҳаллий кишилар бор. Уларнинг бири Ульяна Ивановна Пендихова. Тиним билмас бу аёл ўзининг моҳир овчилиги билан шуҳрат қозонган.

Унга ов қилишда тенг келадиган эркаклар кам топилади. Балоғат ёшига етганидан кейин у якка ўзи шимолнинг дахшатли вахший ҳайвонларига тик боришдан ҳам ҳайиқмайдиган бўлди. Моҳир мерган ер тишлатган бундай ҳайвонлар сони ўн олтитага етипти. Ҳозир ёши олтмишдан ошганига қарамай онахон ҳамон овга боради.

ТУЯМИСАН ТУЯ ЭКАН-ДА!

Бу туянинг янги эгаси уни сотиб олиш учун каттагина маблағ — қирқ ярим минг доллар тўлашга рози бўлди. Ваҳоланки, шунча пулга энг замонавий кўркам енгил автомашина сотиб олиш мумкин эди. Албатта бу ишкибозлик натижаси, акс ҳолда бир туя учун ҳамёнидан шунча маблағни чиқарармиди?!

Ҳамма гап шундаки, бу туя ўзининг тез чопиши билан янги эгасини мафтун этди. У Дубайда бўлган туялар пойгасида бир неча бор маррага биринчи бўлиб етиб келди. Энди уни Омонга олиб кетишади. Бу мамлакатда ҳам туялар пойгаси мунтазам ўтказиб турилади. Шу вақтгача энг қимматли туяга 26 минг доллар тўланган экан. У ҳам бўлса Катардаги пойгачи туя эди.

«ТУРКИСТОН»ДА БОЛАЛАР БАЙРАМИ

ШУ йил 7 февраль куни пойтахтдаги муҳташам «Туркистон» саройи Тошкент вилояти ва шаҳар болалар уйлари ва мактаб-интернатлари бадиий ижодиёти фестивали қатнашчилари ихтиёрига бериб қўйилди.

Вилоят касаба уюшмалари уюшмалараро маданият марказининг ташаббуси билан бошланган фестивал аввал жойларда ўтказилди. Сўнгра ғолиблар мазкур саройда ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Ўзига хос бу байрамни 21-болалар уйи тарбияланувчиси Ҳасан Тўрабоев «Ассалому алайкум» қўшиғи билан очгач, Бўкадаги 15-Чирчиқ, Ангрен, Олмалиқ шаҳарларидаги 14, 34, 80-болалар уйлари, 3, 114, 455-мактабгача тарбия муассасалари бадиий ҳаваскорлари ижро этган куй ва қўшиқлар шавқ-завқ билан тингланди.

Ғолибларга ҳомийлар томонидан таъсис этилган махсус мукофотлар топширилди.

— Мазкур тадбирни ўтказишда ҳомийлар жуда катта ёрдам беришди, — дейди Тошкент вилояти касаба уюшмалари уюшмалараро маданият марказининг директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кукаб Алиева, — «Совпластитал» корхонаси, «Турон» тижорат банки, Тошкентдаги 1-тажриба-механика заводи, «Артинтер» фирмаси, Ангрен кулолчилик комбинати каби қирқга яқин ҳомийлар шулар жумласидандир. Шунингдек, «Туркистон» саройи аҳли кўмагини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Маданият маркази томонидан ташкил этилган бу санъат кўриги бешинчи марта ўтказилаётир. Бундан мақсад ўсиб келаётган ёш авлодни маънавий бойитиш, уларни баркамол қилиб тарбиялашдек ишга муносиб ҳисса қўшишдир.

Б. ПУЛАТОВ,

вилоят касаба уюшмалари кенгаши матбуот марказининг мудири.

ЭЪЛОНЛАР

Собир Раҳимов тумани 219-сон мактаб томонидан Мирахмедов Шомансур Шорасулович номига берилган А № 415608 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

● ◆ ●

Собир Раҳимов тумани 111-сон мактаб томонидан Қодиров Баходир Бориевич номига берилган А № 416491 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Муҳаррир: Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48 Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.

• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0054. 18527 нусҳада босилди, ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 19.00. 1 2 3 4 5 6